2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 242 (1841), 2026 йил 21 ноябрь, шанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗ КУЧИМИЗ, ЎЗ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ, ЎЗ МАЪРИФАТИМИЗ: ПАРКЕНТДАГИ БУНЁДКОРЛИК, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Президентимизнинг Паркент туманига ташрифи, қурилиш индустрияси ва туризмни ривожлантириш бўйича инвестор ҳамда тадбиркорлар билан мулоқоти тафсилоти



Янги Ўзбекистонда сайёҳлик соҳасида эришилаётган ютуқлар ислоҳотларнинг қанчалик самарадор эканини кўрсатади. Ҳа, биргина туризмдаги ютуқлар мамлакатдаги сиёсий тафаккур нечоғлик кучли эканини намоён этиб, иқтисодий-ижтимоий соҳалар кўламини белгилаб беради. Шу маънода, уни иқтисодий-ижтимоий ҳаёт барометри дейиш мумкин.

Шу ўринда туризм соҳасидаги натижаларимизни акс эттирадиган фактлардан бирига эътибор қаратсак. Жорий йил бошидан буён мамлакатимизга чет эллик 11,6 миллион сайёҳ келган. Сўнгги икки йилда узоқ хориждан келаётган туристларнинг юртимизда бўлиш муддати ўртача 6,5 кундан 8 кунгача узайган. Тўлов имконияти юқори сайёҳлар улуши 14 фоиздан 21 фоизга, бир турист сарфлайдиган ўртача маблағ эса 21 фоиз ошган.

Туризм иқтисодиёт драйверларидан. Айни пайтда унинг маънавий-маърифий қиёфаси ҳам бор. Жумладан, хорижлик сайёҳ ўзга давлатга сафар қилишдан олдин жуда кўп жиҳатларни ҳисобга олади. Саёҳат нархи, ўзи бораётган мамлакатдаги тинчлик, мезбонларининг қай йўсинда кутиб олиб, қандай кузатиб қўйишигача ҳисобга олади. Шу каби кўплаб жиҳатлар марказида эса хизмат кўрсатиш соҳаси ривожланганми, бориб кўриш, дам олишга арзийдиган манзиллар кўпми деган саволлар туради. Мазкур саволларга жавоб ижобий бўлса, демак, мамлакатда барча соҳа баробар юксалиб, жамиятда тинчлик, бағрикенглик ҳукм сураётган бўлади. Йил бошидан буён хорижлик 11,6 миллион сайёҳнинг келгани, муҳими, уларнинг юртимизда қолиш муддати узайгани янги Ўзбекистоннинг иқтисодий-ижтимоий салоҳияти қанчалик юксалиб бораётганини кўрсатади.

Мамлакатимиз раҳбарининг Тошкент вилояти Паркент туманига электропоездда борганини ана шу ислоҳотлар қатъий ва режали йўлга тушиб олганига қиёслаш мумкин.

Кейинги йилларда Тошкент вилоятининг туризм салоҳиятидан самарали фойдаланиш учун бир қанча йирик лойиҳалар амалга оширилди. Шунингдек, ҳудуднинг меҳнаткаш, самимий ва танти аҳолисига қулайлик яратиш борасида ҳам қатор ишлар бажарилди. Жорий йил сентябрдан Тошкентдан Паркентга қатнай бошлаган мазкур электропоезд ана шу жиҳатларни ўзида акс эттиради. Зеро, мазкур темир йўл орқали пойтахт ва Паркент ўртасидаги масофа анча қисқарди. Бу йўловчилар учун хавфсиз ва қулай транспорт хизматини кафолатлайди. Айни пайтда аҳолининг ҳаракатланиш имкониятларини кенгайтириш, туманнинг сайёҳлик жозибадорлигини ошириб, тадбиркорлик ва сервис соҳалари ривожига хизмат қиляпти.

Шу ўринда фактларга эътибор қаратсак, Тошкентдан Паркент сари йўлга чиққан электропоезд 1 соат 13 дақиқада манзилга етиб боради. Шу орқали йўловчиларнинг вақти ҳам, нақди ҳам тежалади. Масалан, поезд чиптаси 10 минг сўм этиб белгиланган. Бу шу йўналишдаги такси хизматининг ўртача нархидан 2,5 баробар арзон. Муҳими, янги йўналишда кунига 2000 гача, йилига эса 300 минг йўловчини ташиш имконияти бор. Бу йилнинг тўрт фаслида ҳам сайёҳларни ўзига ром этадиган тоғли ҳудуд учун жуда муҳим кўрсаткич. Бунга эса ўзўзидан эришилаётгани йўқ, албатта. Унинг ортида аниқ режали ташаббус, заҳматли меҳнат ётибди. Хусусан, Президентимизнинг 2025 йил 27 январдаги “Ўзбекистон Республикасининг транспорт-логистика тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида қиймати 535,4 миллиард сўмлик лойиҳа ишлаб чиқилди. Натижада электрлаштирилган 24 километрли темир йўл линияси ётқизилди. Шунингдек, Паркентда янги бекат, учта кўприк, автомобиль йўл ўтказгичи, 77 та сув ўтказиш иншооти ҳамда 16 та автомобиль ва темир йўл кесишмаси барпо этилди. Шунингдек, 24 километрли контакт тармоғи ва электр узатиш линияси тортилди. Натижада 40 та янги иш ўрни очилди.

Тошкент ва Паркент ўртасидаги умумий масофаси 57,6 километр бўлган йўналишда олти вагондан иборат замонавий “ЭПЗД” электропоезди қатнамоқда. Соатига 120 километргача тезликда ҳаракатланадиган поезд қарийб 600 йўловчи сиғимига эга. Муҳими, замонавий ва қулай. Масалан, вагонларда иқлим назорати тизими ўрнатилган. Бу ҳар қандай об-ҳавода ҳам мўътадил ҳароратни таъминлайди. Қулай ўриндиқлар, USB қувватлаш нуқталари ва бепул Wi-Fi эса йўл машаққатини енгиллатади.

Ногиронлиги бўлган шахслар учун махсус кўтаргичлар ва мослаштирилган жойлар бор. Бу эса ижтимоий давлат тамойили ҳамма жойда ва доим эътиборда эканини кўрсатади. Тошкент вилояти велоспортчиларнинг ҳам севимли манзили. Шу боис, поездда велосипедларни ташиш мосламалари ҳам ўрнатилган. Электрон ахборот таблолари сафар ҳақидаги маълумотларни кузатиб бориш, видеокузатув эса хавфсизликни таъминлашга хизмат қилади. Шунингдек, поездда тўқнашув пайтида зарба кучини камайтирувчи тизим ҳам назарда тутилган.

Сафар чоғида Президентимиз Тошкент вилоятининг иқтисодий салоҳиятидан янада самарали фойдаланиш масалаларига эътибор қаратди. Хусусан, ер ресурсларидан унумли фойдаланиш, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, қишлоқ хўжалиги ва маҳсулотларни қайта ишлаш тармоқлари салоҳиятини камида икки баробар ошириш учун катта имкониятлар мавжудлиги таъкидланди.

Президентимиз Паркентнинг янги вокзал станцияси билан танишди. Шу ерда темир йўл инфратузилмасини янада такомиллаштириш, вокзалларда хизмат кўрсатиш сифатини ошириш борасида мутасаддиларга топшириқ берилди. Шунингдек, йўловчилар учун қулай шароитларни кенгайтириш, қатновлар самарадорлигини таъминлаш ва темир йўлга туташ ҳудудларни ободонлаштириш масалалари ҳам кўрсатиб ўтилди.

Давлатимиз раҳбари “Бугун Паркентга келишимдан мақсад — бу ҳудуднинг имкониятларини янада кенгайтириш, паркентликларни ўзгаришларга ишонтириш. Барча ҳаракатларимиз ҳар бир инсон ўз ҳаётидан рози бўлишига қаратилган”, деди.

Давоми 2-бетда

Бирлашсак – катта кучмиз

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИНИНГ МИССИЯСИ ҚАНДАЙ?



Ҳунарни асрабон неткумдир охир,
Олиб тупроққами кеткумдир охир.

Алишер Навоий

Гоҳида ўйланиб қоламан: аслида, “зиёли” деб кимни айтамиз? Кўп китоб ўқиган, қўлида бир неча дипломи ёки илмий унвони бор одамними? Менимча, йўқ. Билим одамга куч ва имконият бериши рост, лекин ўша билимни ўз қобиғида сақлаб қолмай, атрофдаги одамлар ҳаётини яхшилашга, жамиятнинг оғирини енгил қилишга сарфлай олиш ҳаммага ҳам насиб этавермайди.

Чинакам зиёлилик атрофда бўлаётган воқеаларга бефарқ қараб турмаслик, мустақил фикрлай олиш ва жамиятдаги муаммоларни кўрганда “менга нима” деб қўл силтаб кетмасдан, уларнинг ечимига виждонан масъулият сезишдир. Зиёлининг қадри ҳам у нечта мақола ёзгани эмас, балки айтган сўзи ва қилган иши одамлар ҳаётида қандай ўзгариш ясаётгани билан ўлчанади.

Яқин тарихга назар ташланг: XX аср бошидаги жадид боболаримиз — Маҳмудхўжа Беҳбудий, Абдулла Авлоний, Абдурауф Фитрат кабилар яшаган даврда бугунгидек замонавий академиялар ёки миллиардлаб грантлар бўлмаган. Лекин улар миллатнинг дардини ўз дарди деб билгани, одамларнинг кўзини очиш учун бор-будини, ҳатто жонини тиккани сабаб чинакам зиёлига айланди.

Давоми 3-бетда

ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИДА ЎЗГАРАЁТГАН ТАБИАТ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ИНСОН МАСЪУЛИЯТИ

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти директори, биология фанлари доктори, академик Комилжон ТОЖИБОЕВ билан суҳбати

Бугун глобал иқлим ўзгариши, сув танқислиги ва биологик хилма-хилликнинг камайиши инсоният олдига тобора мураккаб вазифаларни қўймоқда. Бу жараён табиий ресурслар, озиқ-овқат хавфсизлиги ва келажак авлодларнинг яшаш шароити билан бевосита боғлиқ. Айни пайтда замонавий илм-фан табиатда кечаётган ўзгаришларни чуқур ўрганиш, уларнинг оқибатини олдиндан баҳолаш ва биологик бойликларни асраб қолиш учун янги имкониятлар яратмоқда. Суҳбатда фундаментал илм-фаннинг бугунги вазифалари, мамлакатимиз ўсимликлар дунёсини ўрганиш борасидаги илмий изланишлар, экологик муаммолар ва уларнинг ечимлари, шунингдек, миллий илм-фаннинг халқаро майдондаги ўрни ҳамда истиқболдаги вазифалар хусусида сўз боради.



— Замонавий технологиялар шиддат билан ривожланяпти. Инсоният табиатга таъсир кўрсатишнинг янги имкониятларини қўлга киритмоқда. Айни пайтда табиатнинг биз ҳали тўлиқ англаб етмаган қонуниятлари ҳам кўп. Сизнингча, шундай шароитда фундаментал илм-фаннинг жамият олдидаги энг муҳим вазифаси нимадан иборат?

— Менимча, фундаментал илм-фаннинг энг муҳим вазифаси табиат ва жамиятда кечаётган жараёнларни, уларнинг келиб чиқиш сабаблари, механизмлари ва қонуниятларини чуқур ўрганишдир. Илм-фаннинг жамият ва давлат олдидаги масъулияти эса ана шу билимлар орқали бизни келажакка тайёрлашдан иборат.

Биз кўпинча илмий тадқиқотдан, айниқса, фундаментал изланишлардан дарҳол амалий натижа, муайян муаммонинг тайёр ечимини кутамиз. Аслида, фундаментал фаннинг аҳамиятини фақат шу мезон билан баҳолаб бўлмайди. Унинг натижаси бугун ёки эртага кўринмаслиги мумкин. Лекин йиллар ўтиб, айнан шу тадқиқотлар қандайдир мураккаб муаммони ҳал этиш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Шунинг учун бир фикрни доим муҳим деб биламан: муаммо юзага келганидан кейин унга ечим излаш билан чекланмаслигимиз керак. Ўша муаммони ҳал қилишга зарур билимларни олдиндан яратишимиз шарт. Фундаментал фаннинг жамият учун энг катта аҳамиятини, аввало, шунда кўраман.

Табиат ҳақида ҳали ҳамма нарсани билиб улгурганимиз йўқ. Ўрганилмаган жараёнлар, очилмаган қонуниятлар жуда кўп. Билимларимиздаги ана шу бўшлиқни тўлдиргунимизча табиий бойликларимизни, ўсимлик ва ҳайвонот дунёсини, асраб-авайлашимиз зарур бўлган ижтимоий қадриятларимизни йўқотиб қўймаслигимиз керак. Чунки бугун бой берилган айрим табиий ресурсларни эртага ҳатто энг илғор технологиялар ёрдамида ҳам тиклашнинг имкони бўлмаслиги мумкин.

Шу маънода, фундаментал илм-фанни қўллаб-қувватлаш доимий эътиборимизда бўлиши шарт. Унга бугун сарфланган меҳнат ва маблағнинг ҳақиқий қиймати, эҳтимол, келгуси авлодлар ҳаётида янада яққол намоён бўлар.

Давоми 5-бетда

Мажмуада 350 ва 700 ўринли ресторанлар, уч қаватли фудкорт, савдо шохобчалари, очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари жойлашган. Қолаверса, 2,2 минг квадрат метр майдонни эгаллаган аквапарк мавжуд.

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

2026 йил 21 ноябрь, 242-сон

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

ЎЗ КУЧИМИЗ, ЎЗ ИҚТИСОДИЁТИМИЗ, ЎЗ МАЪРИФАТИМИЗ: ПАРКЕНТДАГИ БУНЁДКОРЛИК, МАҲАЛЛИЙ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ТУРИЗМ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Бошланиши 1-бетда

Паркент туманининг Кумушкон маҳалласидаги “Silver Valley” оилавий дам олиш мажмуаси халқимизни рози қилиш йўлидаги йирик лойиҳалардан. Умумий қиймати 148,5 миллиард сўмлик мажмуа қарийб 30 гектар майдонда жойлашган. Лойиҳа доирасида 200 та иш ўрни очиш кўзда тутилган. Сўлим табиат қўйнидаги мажмуа сайёҳларга юқори сифатли хизматларни тақдим этишга мослашган. Жумладан, ҳудудда 120 ўринли 12 та шале услубидаги уй, замонавий қабул биноси қурилган. Қолаверса, 300 ўринли ресторан 100 ўринли терраса-кафе ҳамда 4 та СПА мажмуаси барпо қилинган. Ўзлигимизни ёдга соладиган, 200 ўринга мўлжалланган 12 та ўтов-ресторан ҳам сайёҳларга ўзгача кайфият улашади. Умуман, сайёҳларнинг мазмунли дам олиши учун барча шароит бор. Жумладан, тафаккур йўлаги инсонга ўзлигини англаш, баланд чўққидан туриб юксак марраларни кўзлашга ундаса, воркаут зоналари, зиплайн ва тюбинг аттракционлар саёҳатнинг тўлиқ завқли ўтишини кафолатлайди. Бундан ташқари, ёзги кинотеатр ва 10 та аттракциондан иборат кўнгилочар майдон ҳам ташкил этилган. Мажмуа тўлиқ ишга тушгач, кунига 2700 нафаргача меҳмонни қабул қилиш имкониятига эга бўлади.

Давлатимиз раҳбари бу ерда яратилган шароитлар ва қилинган бунёдкорлик ишлари билан танишар экан, сайёҳларга маҳаллий маҳсулотлар асосида хизмат кўрсатиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ва бундай масканларни бошқа тоғли ҳудудларда ҳам кўпайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Президентимиз шу манзилда аҳоли билан самимий суҳбатлашди. Мулоқотда турмуш даражаси юксалиши билан одамларнинг мазмунли дам олишга эҳтиёжи ортиб бораётганига ҳам эътибор қаратилди. Мамлакатимиздаги ўзгаришлардан асосий мақсад инсон манфаатларини таъминлаш, одамларнинг ҳаётдан розилигига эришиш экани таъкидланди.

— Одамларнинг даромади кўпайиб, иши яхшиланган сари улар дам олиш учун қулай жой излайди. Паркентда шундай шароитлар яратсак, бу ерга оилалар фарзандлари билан келиб ҳордиқ чиқаради. Бундай туристик масканларни йил сайин кўпайтириб борсак, нафақат Тошкентдан, балки республикамизнинг барча ҳудудларидан одамлар келади, — деди давлатимиз раҳбари.

Қайд этилганидек, бундай лойиҳалар туризмни ривожлантириш билан бирга аҳолининг дам олиши учун муносиб шароитлар яратиш, янги иш ўринларини ташкил этиш ва маҳаллий тадбиркорликни кенгайтиришга хизмат қилади. Шунингдек, эришилган натижалар билан чекланиб қолмай, янги ташаббусларни амалга ошириш, одамларда “қилса бўлар экан” деган ишончни мустаҳкамлаш зарурлиги қайд этилди.

Келувчиларнинг ҳудудда узоқроқ қолишини таъминлаш, улар учун қўшимча хизмат турларини кўпайтириш ва мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш бўйича тавсиялар берилди.

Олинган янги марралардан халқимиз қалби тоғдек юксалди. Ана шу тоғлар бағрида навбатдаги манзил сари юқорилаб борилар экан, шукрона, фахр ва ифтихорга тўла Зоҳиджон Оловнинг ушбу сатрлари ёқимли куй каби қулоққа чалинади:

Тоғлар теграсида бир шаҳар кўрдим,
Узукнинг кўзида мен гавҳар кўрдим,
Ҳар қалбни қувончдан мунаввар кўрдим,
Айланмиш тенги йўқ барнога Паркент,
Қучоқ очаётир дунёга Паркент!

Давлатимиз раҳбари навбатдаги манзилда Паркентни дунёга очиб беришга хизмат қиладиган йирик лойиҳалардан бири билан танишди. Бу манзил Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасидир. Қирқ етти гектар майдонни эгаллаган мажмуа 2025 йилда бунёд этилган “Kumushkon Resort” лойиҳасининг давоми.

Унга қарийб 700 миллиард сўм инвестиция йўналтирилган. Бу ерда замонавий меҳмонхоналар, шале услубидаги дам олиш уйлари, ресторанлар, спорт ва кўнгилочар иншоотлар барпо этилган.

Ҳали манзилга етиб бормасингиздан осмонга таянч бўлган тоғ бағридаги кўркам шаҳарча кўринади. Шунинг ўзиёқ ҳудудда йирик бунёдкорлик ишлари бажарилганини кўрсатади. Жумладан, тўртта беш қаватли меҳмонхона қад кўтарган. Улар кўринишдан ҳам, ички имконият жиҳатидан ҳам йирик шаҳарлардаги нуфузли меҳмонхоналар билан рақобатлаша олади. Шунингдек, ҳар бирида алоҳида бассейни бўлган 51 та бир ва икки қаватли дам олиш уйи қурилган. Меҳмонхоналарда турли тоифадаги хоналар, ногиронлиги бўлган шахслар учун қулайликлар, СПА ва бошқа хизмат кўрсатиш ҳудудлари ташкил этилган.

Шунингдек, мажмуада 350 ва 700 ўринли ресторанлар, уч қаватли фудкорт, савдо шохобчалари, очиқ ва ёпиқ спорт иншоотлари жойлашган. Қолаверса, 2,2 минг квадрат метр майдонни эгаллаган аквапарк мавжуд. Бундан ташқари, меҳмонлар мазмунли ҳордиқ чиқариши учун турли кўнгилочар масканлар ташкил этилган. Хусусан, 14 турдаги аттракцион, 650 метрли зиплайн, гравитацион картинг трассалари, родельбан, 800 ўринли амфитеатр, сунъий кўл ва ҳайвонот боғи барпо этилган. Булар сайёҳларни ўзига жалб этса, 1100 та автомобилни бағрига сиғдирадиган тўхташ жойи одамларнинг бемалол келиб кетиши учун қулайлик яратади.

Таъкидланганидек, барча соҳада ўсиш кузатилмоқда. Бунинг туб замирида мамлакатимиз етакчиси бошлаб берган ҳаётбахш ислоҳотлар турибди. Унинг изчил давом



этиши нафақат сиёсий ирода, балки юқори малакали кадрларга ҳам боғлиқ. Шу боис, юртимизда таълимни юксалтириш, касб-ҳунар ўқитиш устувор вазифа этиб белгилаб олинган.

“Олтин бел” сайёҳлик мажмуасининг драйвер йўналишларидан бири ҳам айнан шунга қаратилган. Яъни бу ерда туризм соҳаси учун малакали кадрлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилган. Мажмуада ташкил этилган ўқув марказида меҳмонхона ва ресторан хизматлари бўйича амалий машғулотлар ўтказилмоқда. Ҳозир Туризм қўмитаси томонидан Кумушкон маҳалласидаги ишсиз ёшлар ўқитилаётган бўлиб, йил якунига қадар 300 мутахассис тайёрлаш режа қилинган. Улар келгусида миллий кадрлар синфини тўлдириб, бугун биз ўрганаётган халқаро тажрибаларни Ўз иқтисодиётимизнинг ишончли устунига айлантиради.

Хизмат кўрсатиш сифатини халқаро даражага олиб чиқиш мақсадида меҳмонхоналарни бошқариш Туркиянинг “Elite World” компаниясига ишониб топширилган. Меҳмонхона бизнесида 46 йиллик тажрибага эга ушбу компанияни жалб этиш орқали бошқарувга замонавий стандартларни жорий қилиш, хизматлар сифатини ошириш ва хорижлик сайёҳлар оқимини кўпайтириш кўзда тутилган.

“Туризм — иқтисодиётнинг драйвери” деган иборанинг амалий тасдиғини ушбу мажмуа мисолида ҳам кўриш мумкин. Жумладан, ҳисоб-китобларга кўра, мажмуа тўлиқ ишга тушгач, 600 та янги иш ўрни очилади. Кунига 6000 гача ташриф буюрувчига хизмат кўрсатиш имконияти пайдо бўлади. Натижада мажмуа йилига 200 миллиард сўм даромад келтириши кутилмоқда.

Давлатимиз раҳбари мажмуадаги шароит билан танишиб, туризм хизматлари сифатини ошириш, мавжуд инфратузилмадан самарали фойдаланиш ва ҳудуднинг туристик имкониятларини янада кенгайтириш масалаларига эътибор қаратди.

Шоир кўкси тўла фахр билан “Қучоқ очаётир дунёга Паркент!” деб шеър битишида ҳам ҳаётий ҳақиқат бор. Жумладан, шу йилнинг ўтган даврида туманга хорижлик 198,2 минг ва маҳаллий 1,4 миллион сайёҳ келган. Натижада туризм хизматлари экспорти 81,1 миллион долларга етган. Бу рақамларни осонгина ёзиб юборяпмиз. Лекин бир доллар ортида ҳам катта меҳнат, аниқ режали ислоҳотлар турибди. Бугунги глобал иқтисодий тебранишлар даврида келажакка ишончли режа тузишнинг ўзиёқ ўта мураккаб вазифадир. “Олтин бел” каби йирик мажмуалар, аниқ ҳисоб-китобга таяниб ишлаб чиқилган режалар ана шундай даврда бизга марраларни янада баланд олиш ишончини беради.

Президентимизнинг Тошкент вилоятининг Паркент туманида қурилиш материаллари саноати ва туризмни ривожлантириш масалалари юзасидан инвесторлар ҳамда тадбиркорлар билан учрашувида ана шундай истиқболли масалалар кўриб чиқилди. Кумушкон маҳалласидаги “Олтин бел” сайёҳлик мажмуасида бўлиб ўтган тадбирда соҳалардаги ишлар теран таҳлил этилди. Муҳим вазифалар белгилаб олиниб, истиқболли лойиҳаларга асосланган ташаббуслар илгари сурилди.

Давлатимиз раҳбари дастлаб бир йил аввал ушбу ҳудудда йирик туризм мажмуасини барпо этиш вазифаси қўйилганини қайд этди. Маҳаллий лойиҳачилар, қурувчилар ва ишлаб чиқарувчиларга имконият берилгани натижасида қисқа муддатда замонавий дам олиш маскани бунёд этилди.

Муҳим факт: қурилиш ва жиҳозлашда маҳсулотларнинг 95 фоизи маҳаллий корхоналардан олинган. Бу ўз тадбиркорларимиз, ўз маҳсулотимиз орқали йирик бунёдкорлик лойиҳаларини амалга ошира олиш қувватига эга эканимизни исботлади. Муҳими, шу туфайли лойиҳа таннархи 20 фоиз арзонлашди.

Йиғилишда тажрибани бошқа ҳудудларда ҳам кенг қўллаш, қурилиш индустрияси ва туризмни бир-бирини тўлдирадиган, ўзаро янги имкониятлар яратадиган соҳаларга айлантириш зарурлиги таъкидланди.

Учрашувда дастлаб қурилиш материаллари саноатида эришилган натижалар ва мавжуд имкониятлар таҳлил қилинди. Сўнгги ўн йилда соҳага 12 миллиард доллар инвестиция киритилиб, 5000 дан зиёд замонавий корхона ишга туширилган. Жорий йилда ишлаб чиқариш ҳажми 2016 йилдаги 7 триллион сўмдан 65 триллион сўмга, экспорт қиймати эса 75 миллион доллардан 1,5 миллиард долларга етиши кутилмоқда. Мамлакатимиздаги кенг кўламли қурилишлар ва инвестиция лойиҳалари маҳаллий маҳсулотлар учун катта бозор яратмоқда. Қўшни давлатлар ва яқин минтақаларда ҳам бу маҳсулотларга талаб юқори.

Бундан ўн йил олдин ҳам воҳа фақат пахта ва ғалла етиштирадиган ҳудуд эди. Бугун у ерда ишлаб чиқарилаётган саноат, хусусан, қурилиш маҳсулотлари экспорт қилиняпти. Лекин ҳали фойдаланиш мумкин бўлган имкониятлар кўп. Шу боис, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш мумкин. Бунинг учун маҳаллий корхоналарнинг ташқи бозорларга чиқишини қўллаб-қувватлаш ва логистика имкониятларини кенгайтириш зарур. Шу орқали соҳа экспортини яқин йилларда 5 миллиард долларга етказиш имкони бор. Бу имкониятни реал натижага айлантириш эса маҳсулотлар сифати, дизайни ва рақобатбардошлигига ҳам боғлиқ.

Юртимизда 161 турдаги қурилиш материали бўйича ички талабни қоплашга етарли қувватлар яратилган бўлса-да, айрим маҳсулотлар импорти йилига 780 миллион долларни ташкил этмоқда.

Шу боис, ички бозор эҳтиёжларини чуқур ўрганиш, замонавий технологиялар ва халқаро брендларни жалб этиш асосида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш вазифаси қўйилди. Бу борада Туркиянинг “Betek” компанияси билан Зангиота туманида 30 миллион долларлик лок-бўёқ заводи қурилиши бошланаётгани қайд этилди.

Йиғилишда йирик стратегик лойиҳаларни маҳаллий қурилиш материаллари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Жиззах вилоятидаги атом электр станцияси қурилиши учун 2,2 миллиард долларлик қурилиш материаллари талаб этилади. Мазкур эҳтиёжни ички имкониятлар билан қоплашнинг ўзиёқ аҳоли учун кўплаб иш ўринлари очиб, давлат ғазнасига салмоқли улуш қўшишни англатади.

Мамлакатимиз раҳбари бу борадаги ечимни ҳам кўрсатиб ўтди. Яъни Эгизбулоқ маҳалласидаги 200 гектар майдонда махсус саноат зонаси ташкил қилинади. Унда 70







турдаги янги маҳсулот ишлаб чиқариш режалаштирилган. Мутасаддиларга импорт ўрнини босувчи ва йирик лойиҳаларда талаб юқори бўлган маҳсулотларни аниқлаб, умумий қиймати 20 миллиард долларлик лойиҳалар бўйича амалий ишларни бошлаш топширилди.

Ишбилармонликнинг табиати фойдани кўзлаб иш кўришни талаб этади. Шу боис, тадбиркорга қанчалик кўпроқ имконият берилса, шунча кўп фойда олиб, мамлакат тараққиётига кўпроқ ҳисса қўшади. Юртимизда тадбиркорларга катта эътибор берилиб, давлатимиз раҳбари йил давомида такрор-такрор улар билан мулоқот қилишининг сабабларидан бири имконият орқали фойдани кўпайтиришдир. Тадбирда янги турдаги юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун имтиёзли молиявий ресурслар ажратиш, корхоналарнинг энергия тежовчи ускуналар харид қилиши билан боғлиқ харажатларини қисман қоплаш чоралари ҳам белгиланди.

Халқимиз орасида “Ушоғи ҳам нон” деган нақл бор. Бу бизга берилган барча неъматга татбиқ этилади. Яъни неъматларни қанчалик тежаб, қадрлаб сарфласак, шунча кўп барака келади. Буни жаҳон бозорида тобора қиймати ошиб бораётган пардозбоп тошлар мисолида кўриш мумкин. Бугун бу борада ҳам бажарилиши зарур бўлган ишлар бор. Шу боис, пардозбоп тошлар саноатида хомашёни чуқур қайта ишлаш ва чиқиндилардан самарали фойдаланиш имкониятлари кўриб чиқилди. Янги конларни “ноль чиқинди” тамойили асосида ўзлаштириш, мавжуд конлар атрофида қайта ишлаш корхоналарини ташкил этиш вазифалари қўйилди.

Давлатимиз раҳбари қурилиш таннархини пасайтириш ва бюджет маблағларидан оқилона фойдаланиш масалаларига ҳам тўхталди. Айрим ҳудудларда ўхшаш объектлар қурилиши қиймати сезиларли фарқ қилаётгани, бунга ортиқча воситачилар ва лойиҳа-смета ҳужжатларининг қайта-қайта ўзгартирилиши сабаб бўлаётгани танқид қилинди.

Келаси йилдан бюджет маблағлари ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишларда, биринчи навбатда, маҳаллий маҳсулотлардан фойдаланиш талаби жорий этилади. Давлат харидлари порталида маҳаллий ишлаб чиқарувчилар учун махсус савдо майдончаси ташкил қилинади. Шунингдек, Янги Тошкентда қурилиш ишларини олиб бораётган тадбиркорларга маҳаллий материаллар харидига йўналтириладиган 200 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Барча соҳадаги ютуқлар замирида сифатли маҳсулот ва хизмат кўрсатиш туради. Бу, айниқса, қурилиш соҳасида янада долзарблик касб этади. Энди қурилиш материаллари сифатини назорат қилиш ва аҳолини хавфли маҳсулотлардан ҳимоялаш мақсадида Тошкент шаҳри, Фарғона ва Самарқандда учта замонавий синов лабораторияси ташкил этилади. Лойиҳа институтларини трансформация қилиш, қурилишга илғор технологияларни жорий этиш ва бу жараёнга хусусий инвесторларни жалб этиш вазифалари ҳам белгиланди.

Учрашувнинг кейинги қисми туризмни ривожлантириш, хизматлар сифатини ошириш ва соҳага инвестициялар жалб этиш масалаларига бағишланди.

Президентимиз туризмда энди асосий эътиборни сайёҳлар сони билан бирга хизмат кўрсатиш сифати, уларнинг мамлакатимизда узоқроқ қолиши ва кўпроқ харажат қилиши учун шароит яратишга қаратиш зарурлигини таъкидлади. Бунинг учун соҳада тадбиркорликни рағбатлантириш чоралари кенгайтирилмоқда. Меҳмонхоналар ва туризм мажмуаларида йирик халқаро тадбирларни мунтазам ўтказишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Бундан буён ҳар бир вазир ўз соҳаси бўйича халқаро ташкилотларнинг йилига камида 3-4 та йирик тадбирини мамлакатимизда ўтказишга масъул бўлади. Ҳукуматга бу борада икки йиллик режани тасдиқлаш топширилди.

Туризмнинг янги йўналишларини ривожлантириш доирасида ҳаво шарлари, параплан ва дельтаплан хизматларини йўлга қўйиш имкониятлари муҳокама қилинди. Бу фаолият учун рухсат олиш тартибини енгиллаштириш ва келаси йил ҳар бир ҳудудда камида битта шундай хизмат кўрсатиш масканини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Тошкентдан Паркентга поезд бориши туризм ривожи йўлидаги йирик лойиҳа бўлди. Шунинг ўзиёқ мамлакатимизда транспорт хизматларини кенгайтиришга қанчалик жиддий қаралаётганини кўрсатиб турибди. Мутасаддилар олдида эса шу имкониятларни тўғри йўлга қўйиш, унинг самарадорлигини ошириш вазифаси турибди. Шу маънода, туристик манзилларга транспорт қатновларини сайёҳлар эҳтиёжига мослаштириш масаласига эътибор қаратилди. Айрим йўналишларда поездларнинг бориш ва қайтиш вақти туристларнинг ҳудуд билан тўлақонли танишишига имкон бермаётгани қайд этилди. Мутасаддиларга бир ой ичида темир йўл ва ички авиақатновлар жадвалини қайта кўриб чиқиш топширилди.

Ҳозир Ўзбекистондан дунёнинг 102 та шаҳрига тўғридан тўғри рейслар мавжуд. Йиғилишда халқаро авиақатновлар географиясини кенгайтириш ҳам муҳим вазифа сифатида белгиланди. Хорижий авиакомпанияларни янги йўналишларга жалб этиш, жумладан, “бешинчи ҳаво эркинлиги” имкониятларидан фойдаланиш бўйича кўрсатмалар берилди. Шунингдек, сайёҳлар учун қулай тўлов хизматларини йўлга қўйиш, халқаро тўлов тизимлари билан интеграцияни кенгайтириш ва туристик масканларда кўчма савдо нуқталарини кўпайтириш чоралари белгиланди.

Давлатимиз раҳбари туризм соҳасида фидокорона меҳнат қилаётган мутахассисларни рағбатлантириш масаласига ҳам тўхталди. “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган туризм ходими” фахрий унвонини таъсис этиш ташаббуси доирасида соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшган ходимларни Мустақиллик байрами арафасида тақдирлаш таклиф қилинди.

Учрашув якунида Президентимиз инвестор ва тадбиркорлар билан очиқ мулоқот ўтказди. Тиғиз иш режаси билан ўтган ташриф сўнгида мамлакат етакчиси инвестор ва тадбиркорларнинг фикр-мулоҳазалари ва таклифларини тинглади.

Паркентнинг пурвиқор тоғлари оралаб келаётган машиналар карвонидаги ҳамроҳларнинг юз-кўзида мамнунлик акс этади. Улар гўёки шу тоғлардан илҳом олиб, илгари сурилган ташаббуслардан куч олгандек кўринади. Шу пайт сурхондарёлик нуроний айтган ҳикмат ёдимга тушади: “Ҳаёт тоғдан бошланади!”.

Ҳа, энг катта дарёларнинг бош ирмоғи ҳам тоғларга туташган бўлади. Инсонлар ҳам шундай. Тоғларга бўйлашиб, уларга талпиниб яшагани сари юксалади. Бу ўйлар шарҳимиз аввалида туғилган мулоҳазаларни тўлдиради: туризм мамлакатнинг иқтисодий-ижтимоий ҳаётини кўрсатадиган барометр.

Бугун дунёнинг тўрт тарафидан келган ва кўпроқ шу ерда қолишни истаётган сайёҳлар мамлакатимиздаги тинчликка ишонгани, халқимизнинг маърифати, меҳмондўстлиги, иқтисодий имкониятлар сабаб юқори сифатли хизматлардан фойдаланиш мумкин эканини билиб, ҳис этиб юртига қайтмоқда. Бу янги Ўзбекистондаги ислоҳотларга билдирилган ишонч, мамлакатимизнинг бой тарихи, бебаҳо маданий меросига бўлган меҳр ифодаси. Шундай ўйлар сабаб яна шоир Зоҳиджон Оловнинг ўтли сатрлари ёдга тушади:

Бу кунлар ёзилгай дил меҳробига,
Жаҳон тарихининг зар китобига,
Лондон, Парижларнинг кирар хобига,
Шон-шуҳратда бўйлаб самога Паркент,
Қучоқ очаётир дунёга Паркент!

Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



Муҳокамаларда зиёлилар 3000 дан ортиқ фикр-мулоҳаза ва мингга яқин таклиф билдирди.
Аҳоли учун очилган махсус телеграм-ботга яна 600 тага яқин таклиф келиб тушди.

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Бирлашсак – катта кучмиз

Янги Ўзбекистон зиёлиларининг тарихий миссияси ўз билими ва иқтидорини асраб-авайлаш эмас, уни миллат тафаккурини янгилаш, жамиятни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва Ватан тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга сафарбар этишдир.



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ЗИЁЛИЛАРИНИНГ МИССИЯСИ ҚАНДАЙ?



Аброр ЮСУПОВ,
сиёсий фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент

Бошланиши 1-бетда

Бугунги зиёлилик ҳам худди шундай **бефарқликка қарши иммунитети, қилган иши одамлар ҳаётида нечоғлик ёруғлик таратаётгани билан белгиланиши** лозим.

Ўзбекистон Қаҳрамони, закий мунаққид Озод Шарафиддинов таъбири билан айтганда, *“Бугунги замон ёхуд давр билан ҳамқадам, ҳамнафас юрмоқ учун тинимсиз равишда ўз-ўзини таҳлил қилиб бориш, босиб ўтган йўлига танқидий назар билан қараш, умумлашмалар қилиш, йўлнинг қайси нуқтасига етиб келганлигини белгилаб олиш, белгиланган жойга етиб келолмаган бўлса, бунинг сабабларини ҳалол ва тўғри аниқлаш талаб қилинади. Бу вазифани эса зиёлилар бажармоғи керак бўлади”.*

Сўнгги йилларда мамлакатимизда мактабгача таълимдан тортиб, олий таълим ва илм-фангача бўлган яхлит узлуксиз тизим барпо қилинди. Унда инсон капиталини ривожлантириш, уни замонавий тенденциялар билан уйғунлаштириш учун кенг институционал шароитлар яратилди.

Ҳар қандай ислоҳотга жон бағишлайдиган, уни қоғоздан ҳаётга кўчирадиган куч жамиятнинг энг илғор қатлами бўлмиш зиёлилардир. Шу боис, олимлар, педагоглар, ижодкорлар ва фидойи мутахассислар **жамиятнинг уйғоқ виждони** сифатида майдонга чиқмас экан, энг мукаммал қонун ва дастурлар доим ҳам кутилган натижани бермайди.

Янги Ўзбекистон зиёлиларининг бош миссияси ҳам яратилган имкониятларни одамларнинг кундалик турмуш фаровонлиги ва маънавий юксалишига хизмат қилдиришдан иборат.

Инсон интеллектуал ривожланишининг дастлабки кўникмалари болалик даврида — оила ва мактабгача таълим муҳитида шаклланади. Боланинг оламга ҳайрат билан боқиши, савол беришга қизиқиши, мустақил фикрлашга интилиши айнан шу босқичда шаклланади.

Шу боис, мактабгача таълимни фақат болани мактабга тайёрлаш воситаси эмас, балки миллатнинг эртанги зиёли қатламини етиштирувчи муҳим пойдевор сифатида кўриш лозим.

Бу борада мамлакатимизда **тарихий бурилиш** юз берди.

2017 йилда мактабгача таълим билан қамров атиги **27 фоизни** ташкил этган бўлса, 2026 йилга келиб **78 фоизга** етди — қамров қарийб уч баробар кенгайди. Сўнгги ўн йилда **1 миллион 800 минг ўринли** боғчалар ва **1 миллион 500 минг ўринли** мактаблар барпо этилди, **10 мингдан ортиқ** таълим муассасаси замонавий қиёфага келтирилди. Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар тармоғи эса миллатнинг энг сара иқтидорларини эрта кашф этиш майдонига айланди.

Олий таълимда ҳам вазият тубдан ўзгарди. 2016 йилда олий таълим қамрови **9 фоизни** ташкил этган бўлса, 2025 йилда **44 фоиздан** ошди, 2026 йилда эса **45 фоизга** етди. Олий таълим муассасалари сони **77 тадан 205 тага** кўпайди. Биргина 2025/2026 ўқув йили учун бакалавриат ва магистратура босқичларига **45 минг 422 та давлат гранти** ажратилгани, хусусан, муҳандислик ва техник йўналишларга устуворлик берилгани эртанги кун бунёдкорларини тайёрлашга қаратилган улкан сармоядир.

Яна бир муҳим жиҳат. Бугун устоз ва зиёлининг қадри давлат сиёсати даражасида улуғланмоқда. 2023 йилда янгиланган Конституцияда ўқитувчи меҳнати жамият ва давлатни ривожлантириш, халқнинг маънавий ва маданий салоҳиятини бойитишнинг асоси сифатида мустаҳкамланди. Бу норма педагог ва зиёлини шунчаки таълим берувчи эмас, балки миллат маънавиятининг таянчи мақомига кўтарди.

Миллатнинг зиёли қатлами китобхонликдан униб чиқади. 2026 йил бошида қабул қилинган дастур асосида 2030 йилгача мамлакатда аҳолининг китоб ўқиш кўрсаткичини **йилига ўртача 10 та китобга** етказиш мақсад қилинди, китобхонлик маданиятини ривожлантириш жамғармасига йилига **20 миллиард сўм** ажратилиши белгиланди.

Буюк аждодимиз **Абу Али ибн Сино**: *“Илм — нарсаларнинг инсон ақли ёрдами билан ўрганилишидир, амалсиз илм эса мевасиз дарахт кабидир”*, деб таъкидлаган эди. Зеро, ёш авлод қалбида ҳалоллик, ватанпарварлик ва мустақил фикрлаш каби фазилатлар юксак даражада мужассам бўлиши лозим.



Оддий ҳақиқат шундаки, уйида китоб ўқилмайдиган ота-она боласидан мутолаани талаб қилолмаганидек, ўзи ҳалол ва изланувчан бўлмаган зиёли ҳам ортидан ёшларни эргаштиролмайди.

Қонимиздаги тафаккур коди ва рақамли аср чақириқлари

Мамлакатимизда илм-фан ва маърифат хусусида сўз кетганда, беихтиёр кўз ўнгимизда Ватанимиз заминида яшаб, бутун башарият тафаккурини нурафшон этган буюк қомусий мутафаккирлар — Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний, Маҳмуд аз-Замахшарий, Мирзо Улуғбек ва Алишер Навоий сиймолари гавдаланади.

XI асрдаги Хоразм Маъмун академиясидан тортиб, темурийлар даври Ренессансигача бўлган тарихимиз **жамият юксалишининг бошида ҳамиша маърифатпарвар зиёлилар турганидан далолат беради**.

Бугун тарихий мероснинг давомийлиги уни шунчаки фахр билан тилга олишда эмас, балки замонавий илм-фан ютуқларини яратиш ва уларни халқ фаровонлигига йўналтиришда намоён бўлади.



“Бугунги кун зиёлиси шу саволга жавоб топа олиши керак. Бу жавоб амалий иш билан кўрсатилади, албатта. Зиёлиларни “миллат ойдинлари” деймиз. Қайси жамиятда зиёлиларнинг овози баланд янграса, шу жамият барча жабҳада тараққиёт сари олға юради.

Президентимизнинг илм-фан намояндалари ва ижодкор зиёлилар билан ўтказган учрашувларида илмий салоҳиятдан самарали фойдаланиш ҳамда олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалаларига устувор аҳамият берилгани ҳам айни шу мақсадга қаратилган.

Олимнинг меҳнатига муносабат қай даражада ўзгарганини, энг аввало, рақамлар кўрсатади. Биргина 2025 йилнинг ўзида илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларига қарийб 1,7 триллион сўм йўналтирилди. Бугун мамлакатимизда 43 мингдан ортиқ тадқиқотчи фаолият юритмоқда. Улар қаторига хориждан қайтаётган ватандошларимиз ҳам қўшилмоқда. Фанлар академияси ўнта муҳим йўналишда йўлга қўйган икки йиллик реинтеграция грантлари ўзга юртларда тажриба орттирган олимларимизга “Уйингизга қайтинг, билимингиз шу ерда керак”, деган очиқ таклиф мисолидир.

Олдинда бундан ҳам катта мақсадлар турибди. 2030 йилгача илм-фанга сарфланадиган маблағнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини ўн баробар ошириш, бу маблағнинг 30 фоизини хусусий сектор ҳиссасига тўғри келтириш режалаштирилган. Яқин икки йилда рўйхатдан ўтказилган интеллектуал мулк объектлари сонини 100 мингтага етказиш кўзда тутилган. Бошқача айтганда, ғоя қоғозда қолмаслиги, ҳимояланган ихтирога, ихтиро эса маҳсулотга айланиши керак.

Сунъий интеллект соҳасидаги ўзгаришлар айниқса сезиларли. Ўзбекистон 2026 йилда бу соҳага тайёрлик бўйича халқаро рейтингда бирданига 25 поғона кўтарилиб, 62-ўринни эгаллади. Мамлакатда 200 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаси амалга оширилмоқда. “5 миллион сунъий интеллект етакчилари” лойиҳаси эса янги авлод зиёлиларини рақамли дунёга тайёрламоқда.

Бугунги иқтисодий рақобатда ер ости бойлиги ёки арзон ишчи кучидан кўра билим, сунъий интеллект ва инновациялар кўпроқ ғолиб келмоқда. Шундай шиддатли даврда зиёлининг вазифаси янги технология яратиш билангина чекланмайди. У жамиятни бу ўзгаришларга маънан ва ақлан тайёрлаши керак.

Яратилаётган имкониятлар ўз самарасини бераётгани халқаро майдонда ҳам яққол кўринмоқда. Ўтган йили ўқувчи ва талабаларимиз халқаро фан олимпиадаларидан 278 та медаль олиб қайтди, уларнинг 51 таси олтин. Шу йил августда Тошкентнинг ўзида 97 давлатдан келган 386 нафар ёш дастурчи иштирокида халқаро информатика олимпиадаси бўлиб ўтди. Унда терма жамоамиз бир кумуш ва уч бронза медални қўлга киритиб, тарихдаги энг яхши натижани қайд этди. Июлда Германиянинг Мангейм шаҳрида ўтган халқаро немис тили олимпиадасида самарқандлик Маржона Ибодуллаева олтин, урганчлик Олимбек Бахтиёров бронза медални қўлга киритди. Самарқанд ва Урганч номи дунё саҳнасида айнан шундай ёшлар орқали янграмоқда.

“Эл-юрт умиди” жамғармаси орқали таҳсил олаётган ёшларимизнинг 80 фоизи бугун дунёнинг энг нуфузли юзта университетида ўқимоқда. Илгари бу кўрсаткич 30 фоиз эди. Катта илмда ҳам янги саҳифалар очилмоқда. Астрономия институти олимлари Отабек Бурҳонов ва Камолиддин Эргашев NASAнинг DART космик миссиясидаги тадқиқотлари учун халқаро мукофотга сазовор бўлди. Фанлар академияси вице-президенти Шаҳло Турдикулова эса Ўзбекистон ва Марказий Осиё тарихида илк бор Жаҳон фанлар академиясининг (TWAS) минтақавий вице-президенти этиб сайланди.

Жаҳон интеллектуал мулк ташкилотининг Глобал инновациялар индексида Ўзбекистон 139 мамлакат орасида 77-ўринга чиқиб, 2020 йилдагига нисбатан 19 поғона кўтарилди. Илм-фан ва муҳандислик битирувчилари улуши бўйича эса дунёда иккинчи ўриндамиз. Бироқ шу индекснинг ўзида инновацияларга ажратилаётган ресурслар бўйича 68-ўрин, инновацион фаолият натижалари бўйича 78-ўрин эгалланган. Демак, бизда истеъдод ҳам, мутахассис ҳам етарли, аммо бу салоҳият ҳали тўлиқ иқтисодий самарага айланмаяпти. Шу бўшлиқни тўлдириш бугунги зиёлилар ва илмий жамоатчилик олдидаги энг масъулиятли вазифалардан биридир.

Давр синовидаги виждон

Шарқнинг улуғ мутафаккири **Абу Наср Форобий** машҳур “Фозил одамлар шаҳри” асарида: *“Фозил шаҳар аҳолиси бир-бирига ёрдам берадиган, ҳақиқий бахт-саодат йўлида илм ва маърифатга таянадиган жамиятдир”*, деб таъкидлаган. Бугунги шиддатли давр ҳам зиёлилардан кабинет доирасида қолиб кетмасдан, жамият ҳаётининг энг оғриқли нуқталарига кириб боришни талаб этмоқда. Зиёли давлат ва халқ ўртасидаги жонли кўприк, жамоатчилик фикрини шакллантирувчи маънавий устундир.

Масалан, муайян ҳудудда ёшлар бандлиги муаммоси мавжуд бўлса, уни фақат иш ўринлари етишмаслиги билан изоҳлаш етарли эмас. Бунда таълим сифати, касбий кўникмалар, меҳнат бозори талаблари ва ёшларнинг ижтимоий интилишларини биргаликда ўрганиш талаб этилади. Бу жараёнда олим, педагог, иқтисодчи, психолог ва ижодкорнинг бир ёқадан бош чиқариши ҳал қилувчи аҳамиятга эга.

Худди шундай, сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш ёки экологик муаммоларни ҳал этишда муҳандислик ечимлари билан бирга аҳолининг экологик маданиятини юксалтиришда зиёли сўзининг таъсири беқиёс.

Зиёлиларнинг ислоҳотларга дахлдорлиги уларни шунчаки маъқуллаш билан эмас, балки қилинаётган ишлар самарадорлигини холис баҳолаш, камчиликларни рўй-рост кўрсатиш ва илмий асосланган ечимларни илгари суришда намоён бўлади. Зеро, соғлом танқидий тафаккур тараққиётга тўсиқ эмас, аксинча, қарорлар сифатини оширувчи ва жамиятни хатолардан асровчи кучдир.



Шу нуқтаи назардан, ҳудудларда ташкил этилаётган зиёлилар учрашувлари ва жамоатчилик кенгашлари расмий тадбирлар доирасида қолиб кетмасдан, маҳаллий муаммоларни чуқур таҳлил қилувчи, аниқ ижтимоий лойиҳаларни ишлаб чиқувчи ақл марказларига айланиши лозим. Зотан, жамият ривожи учун тадбирлар сонидан кўра уларнинг натижаси, баландпарвоз шиорлардан кўра ҳаётга татбиқ этилган амалий ечимлар муҳимроқдир.

Зиёли қатлам ўртасидаги мулоқот майдонларини яратишга қаратилган амалий қадамлардан бири яқинда қўйилди. Жорий йилнинг 10-14 ноябрь кунлари Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятларда **“Янги Ўзбекистон зиёлилари — миллий юксалиш таянчи!”** шиори остида Ўзбекистон зиёлилари кенгашининг ҳудудий йиғилишлари бўлиб ўтди.

Йиғилишларда 2000 дан ортиқ олим ва профессор-ўқитувчи, шифокор ва муҳандис, маданият ва санъат намояндалари, нуронийлар ҳамда ижтимоий фаол ёшлар иштирок этди. Пойтахтдан ҳар бир ҳудудга таниқли олим, педагог ва ижодкорлардан иборат ишчи гуруҳлар борди. Аммо асосий сўз жойлардаги зиёлиларга берилди: муаммони яхши биладиган ва ечимини ҳам кўпинча ўзи кўра оладиган одамлар шулардир.

Муҳокамалар 7 та шўъбада ўтказилди. Кун тартибида “инсон қадри” ғояси ва фуқаролик ўзлиги, ўзбек тилининг мавқеи, миллатлараро тотувлик, рақамли медиамакон, креатив иқтисодиёт, яшил тараққиёт, инновацион тиббиёт ва таълим сифати каби масалалар бор эди. Мавзуларнинг ўзиёқ бугунги зиёлининг ташвиши фақат маънавият билан чекланмаслигини кўрсатиб турибди.

Муҳокамаларда зиёлилар 3000 дан ортиқ фикр-мулоҳаза ва мингга яқин таклиф билдирди. Аҳоли учун очилган махсус телеграм-ботга яна 600 тага яқин таклиф келиб тушди. Бу кенгаш фақат зиёлилар ўртасидаги суҳбат билан чекланиб қолмай, кенг жамоатчиликка ҳам эшигини очаётганидан далолат.

Ҳудудий босқич якунида энг фаол иштирокчилар орасидан 210 вакил республика йиғилишига сараланди. Улар орасида 18 ёшли талаба ҳам, 88 ёшли нуроний ҳам бор. Ёши, касби, вилояти ҳар хил бўлган бу инсонларни битта савол бирлаштиради: зиёли сифатида жамиятга нима бера оламан?

Бугунги кун зиёлиси шу саволга жавоб топа олиши керак. Бу жавоб амалий иш билан кўрсатилади, албатта. Зиёлиларни “миллат ойдинлари” деймиз. Қайси жамиятда зиёлиларнинг овози баланд янграса, шу жамият барча жабҳада тараққиёт сари олға юради.

Инглиз адиби Чарльз Диккенснинг: *“Инсон бошқаларнинг камол топишига ёрдам бермас экан, ўзи ҳам том маънода камол топа олмайди”*, деган ҳикмати зиёлиликнинг асл моҳиятини очиб беради.

Шу маънода, зиёлиларнинг жамият олдидаги масъулияти, таъбир жоиз бўлса, зиёлиликнинг энг олий мезони **шахсий намуна** ва **виждон уйғоқлигидир**. Илмий ҳалоллик ҳақида гапирган олим ўз тадқиқотида унга қатъий амал қилиши, маърифатга чақирган педагог доимий изланишда бўлиши, адолат ва фаолликка даъват этган ижодкор эса жамоатчилик ҳаётида олдинги сафда туриши керак.

Айниқса, бугунги ахборот асрида, ёшлар онги учун кураш кетаётган бир пайтда, зиёлилар замонавий рақамли майдонлар: ижтимоий тармоқларда, медиамаконда ҳам фаол бўлишлари, ёт ғояларга қарши маърифат ва мантиқ билан курашишлари, ёшлар учун ишончли маънавий мўлжал бўлиб хизмат қилишлари шарт.

Сўнгсўз ўрнида

Дарҳақиқат, сўнгги йилларда таълим қамровини кенгайтириш, педагог мақомини конституциявий мустаҳкамлаш, илм-фанни молиявий рағбатлантириш ва ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш бўйича улкан пойдевор яратилди.

Бинонинг мустаҳкамлиги ва кўрки уни бунёд этувчиларга боғлиқ бўлганидек, Учинчи Ренессанс пойдеворини мустаҳкамлаш ҳам бевосита зиёлиларимизнинг фидойилиги, журъати ва ижтимоий фаоллигига боғлиқ.

Зотан, интеллектуал салоҳият инсон қадрини юксалтириш, одамлар ҳаётини енгиллаштириш ва жамиятда адолат ҳамда маърифат муҳитини қарор топтиришга хизмат қилгандагина ўз олий мақсадига етади.

Мақоламиз аввалидаги **Алишер Навоийнинг** *“Ҳунарни асрабон неткумдир охир, олиб тупроққами кеткумдир охир”*, деган ўлмас байти ҳар бир зиёли учун дастуруламал бўлмоғи лозим.

Шундай экан, янги Ўзбекистон зиёлиларининг тарихий миссияси ўз билими ва иқтидорини асраб-авайлаш эмас, уни миллат тафаккурини янгилаш, жамиятни эзгу мақсадлар йўлида бирлаштириш ва Ватан тараққиётини янги босқичга олиб чиқишга сафарбар этишдир.

Ҳудудлар ҳаёти

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news



ЭКОЛОГИЯНИ АСРАБ, ДАРОМАДНИ ОШИРИШ СИРИ СУВНИ ТЕЖАШДИР

Қишлоқ хўжалигида замонавий сув тежовчи технологияларни жорий этиш натижа бера бошлади. Бу ислоҳотлар самарасини Қорақалпоғистон мисолида ҳам кўришимиз мумкин. Ҳозир 14 та туманда “Сувчилар мактаби” тажриба майдонлари ташкил этиляпти. Хусусан, 8 талабгорнинг 128,9 гектар ғалла майдонида ёмғирлатиб, 10 талабгорнинг 193,8 гектар майдонида томчилатиб суғориш технологиялари жорий этилди. Хўжайли туманидаги “Тожимурот Ўтамбетов” фермер хўжалиги ҳам бу борада муайян натижаларга эришган.



— 2026 йилда 22,1 гектар ғалла майдонимизда ёмғирлатиб суғориш технологиясидан фойдаландик. Натижада вегетация даврида 33 минг куб метр сувни тежашга эришдик. Тажрибадан келиб чиқиб, келгуси йил ҳосили учун экилган ғалла майдонларида ҳам шу технологияни жорий этиш учун тармоқни кенгайтирдик, — дейди фермер хўжалиги раҳбари Одилбек Ўтамбетов.

“Сувчилар мактаби” лойиҳаси доирасида ҳар бир туманда биттадан фермер хўжалигининг пахта ва ғалла далаларида ўқув-тажриба майдонлари ташкил этилмоқда. Уларда сув тежовчи технологиялар намойиш қилиниб, фермер ва деҳқон хўжаликлари вакиллари учун семинар-тренинглар ўтказиляпти.

Бу каби ишлар илғор тажрибаларни оммалаштириш ва сув ресурсларидан самарали фойдаланишга хизмат қиляпти. Айни кунларда ҳудудларда 2027 йил ҳосили учун ғалла экилган майдонларда ёмғирлатиб суғориш технологияларини ўрнатиш ва монтаж ишлари бажариляпти. Томчилатиб суғоришда сув махсус қувур ва томизгичлар орқали бевосита ўсимлик илдизига етади. Намлик керакли жойга, зарур миқдорда берилгани учун беҳуда сарф камаяди. Ўғитдан фойдаланиш самарадорлиги ортади. Ёмғирлатиб суғориш эса сувни майдонга бир текис тарқатади. Дискрет суғоришда сув эгатларга танаффус билан берилиб, унинг дала бўйлаб баробар ҳаракатланишига эришилади. Эгилувчан қувурлар очиқ ариқлардаги йўқотишларни камайтиради.

Таҳлилларга кўра, замонавий суғориш усуллари муайян шароитларда сув сарфини 45-50 фоизгача, ёқилғи-мойлаш материаллари ва минерал ўғит харажатларини 25-35 фоизгача камайтиради. Ҳосилдорликни эса 15-20 фоизгача ошириш имконини бермоқда. Шу маънода, сув тежамкорлиги фермер учун иқтисодий манфаат ҳам келтиради.

Сув тежамкорлиги ҳақида гап кетганида, балиқчиликни ривожлантириш борасида тўхталиб ўтиш зарур. Глобал иқлим шароитида бу соҳада ҳам замонавий технологиялар жорий қилиш, сув ресурсларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш долзарб вазифадир. Президентимизнинг 2026 йил 2 июлдаги “Балиқчилик тармоғини ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони бу борада муҳим ҳуқуқий ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Унда интенсив усулда балиқ етиштириш, сув ҳавзаларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва ишлаб чиқариш жараёнларини автоматлаштириш каби муҳим вазифалар белгиланган.



Нукус туманидаги “Жалал Қора Нукус” балиқчилик хўжалигида соҳадаги янги имкониятлар ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш масалаларига бағишлаб ўтказилган кўргазмали семинарда қайд этилганидек, Қорақалпоғистонда 2026 йилда 25 минг, 2027 йилда 35 минг тонна балиқ етиштириш мақсад қилинган. Бунда интенсив технологиялар жорий этиш, ишлаб чиқаришни рақамлаштириш ва сув объектларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга эътибор бериляпти.

— Сув хўжалиги ташкилотларининг балиқчиликни ривожлантиришдаги масъулиятига алоҳида эътибор қаратяпмиз. Сув етказиб беришда балиқчилик хўжаликлари билан шартнома асосида ишлаяпмиз. Бунда интенсив усулда фаолият юритаётган хўжаликлар эҳтиёжини ҳисобга олиб, сувни узлуксиз етказиб бериш муҳим вазифамиз, — дейди Қорақалпоғистон сув хўжалиги вазири Бахтиёр Юсупов. — Шунингдек, сув етказиб бериш ишлаб чиқариш режаларига мосланган. Бу ишлар исрофгарчиликнинг олдини олиш ва мавжуд захиралардан мақсадли фойдаланиш имконини беради.

Интенсив усулда балиқ етиштирадиган хўжаликларга қўш панелларини сотиб олиб, ўрнатиш харажатларининг 25 фоизи, ҳар бир киловатт учун 1 миллион сўмдан ошмаган миқдорда субсидия ажратиш назарда тутилган. Муқобил энергия манбалари билан жиҳозланган замонавий аэраторлар харажатларининг 50 фоизи, бироқ 5 миллион сўмдан кўп бўлмаган қисми ҳам қоплаб берилади. Бундай имкониятлар ўзўзидан интенсив усулда балиқ етиштиришга қизиқишни кучайтириб, тежамкор усулда кўпроқ маҳсулот олишни кенгайтиради.

— Президентимиз фармони балиқчилик соҳасида бир қанча янги имкониятлар эшигини очди. Жумладан, четдан олиб келинадиган наслли она балиқлар учун субсидиялар ажратилмоқда. Четдан ихтиолог мутахассислар олиб келингани учун ҳам ойлик субсидиялар берилади. Ҳозир балиқ етиштириш янада кўпайиб, соҳада катта амалий ишлар қилинмоқда, — дейди “Ўзбекбалиқсаноат” уюшмаси бўлим бошлиғи Дулов Довуров.

Фармон билан Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги ҳузурида Балиқчиликни ривожлантириш маркази ташкил этилди. У балиқчилик тармоғида давлат бошқарувини такомиллаштиришга хизмат қилади.

— Фармонда озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, балиқ таннархини барқарор сақлаш чора-тадбирлари, балиқчилик хўжаликлари, субъектларга имтиёзлар кўрсатиб ўтилган. Масалан, хўжаликларга 14 фоизли кредит берилади. Агар кредит 2 йиллик муддатга олинса, 9 ойгача тўловдан имтиёз бор. Бу муддат хўжалик ортиқча харажатсиз балиқ етиштириб олиши, бозорга чиқаргач, тўловни бошлашига имкон беради. Бирдан даромадга кирмайдиган йўналишдаги тадбиркорликда бу жуда муҳим имтиёз, — дейди Ўзбекистон Сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Балиқчиликни ривожлантириш маркази Қорақалпоғистон бўлим бошлиғи Давлатбой Усақов.

— Компаниямизда икки хил — фавворали ва парракли аэраторлар бор. Балиқ боқиладиган кўлларда сувда чўкинди ҳосил бўлиб, қатламларга бўлиниб қолади. Аэраторлар бу қатламни бузиб, балиқларга кўпроқ кислород етказиб беради. Шу орқали 1 гектарда 10 тоннадан 15 тоннагача балиқ боқиш имкони пайдо бўлади. Биз ўрнатган аэраторлар 100 фоиз қуёш панелида ишлайди. Давлатимиз томонидан аэраторларни сотиб олишда 5 миллионгача субсидия ажратилади, — дейди тадбиркор Нурсултон Абдухолиқов. — Бундай молиявий қўлловлар ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва янги иш ўринлари яратишга хизмат қилади.

Глобал иқлим ўзгариши шароитида сувдан оқилона фойдаланиш хавфсизлик масаласига айланди. Ирригация тармоқларини янгилаш ва тежовчи технологияларга ўтиш сув танқислигининг олдини олади. Бу борадаги ислоҳотлар эса қишлоқ хўжалигининг барқарор келажагини таъминлайди.

Минажатдин ҚУТЛИМУРАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ИМКОНИЯТДАН ҚУВВАТ ОЛИБ, МЕҲНАТДАН БАРАКА ТОПДИК

Бундан чамаси ўн йиллар аввал Музработ туманини жанубдан чегаралаб оққан кўҳна Амударёга туташ чакалакзорга трактор солдик. Экинга жой очдик. Қумтепага чиқиб, атрофни кузатаман. Дарёнинг нариги томонида Афғонистон қишлоқлари чанг ва иссиқ ҳовурида ғира-шира кўзга ташланади.



Ойбаҳор ЖАББОРОВА,
Музработ туманидаги “Норбек Алишер” кўп тармоқли фермер хўжалиги раҳбари

Ўзимиз томонда, Музработ — Термиз йўналишидаги автомобиль йўлидан ўткинчи борки, бир тўхтаб: “Ҳов Ойбаҳор момо, нима қиляпсиз? Нафақага чиқиб, гаштингизни суриб юрсангиз бўлмайдими? Кошки эди, минг йилдан буён биров ўзлаштирмаган жойдан ҳосил ололсангиз?” дея гап ташлаб ўтади.

Бундай гапларни кўп эшитардим. Индамай қўярдим. 2016 йил охирлари эди. Қуш учса қаноти, одам юрса оёғи куядиган ерлардан, кўлмакли жойлардан 60 гектар ер очдик. Айтганча, ўша йиллари янги фермер хўжалигини ташкил этганларга айнан шу ердан жой беришган эди. Кўпчилик ташлаб кетди. Биз эса йиллаб меҳнат қилиб, уни унумдор ерга айлантирдик. Шахсий автомашинамиз йўқ эди. Шу сабаб белга сув ва нон боғлаб, қишлоқ оралаб 15 километр пиёда юриб, даламга етиб борардим. Баъзан бошлаб қўйган ишимни ташлаб кетишга ор қилсам, гоҳида қийинчиликлардан хўрлигим келарди. Энди ўша кунларни кулиб эслайман. Чунки биз — фермерларнинг косаси оқариб, шахсий ҳисобимизда миллиардлаб маблағ пайдо бўлди.

Болаларимга бош бўлиб, “Норбек Алишер” кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил этдим. Пахтачилик, ғаллачиликни йўлга қўйдик. Яхши ҳосил кўтаргач, шоличилик ва балиқчиликни бошладик. Гарчи ўзлаштирилган ҳудуд йирик дарёга ёндош бўлса-да, қирғоқ анча пастлаб кетгани боис, сув чиқариш имконсиз эди. Бу масалани ечиш учун сув сақлаш иншооти қурилди.

Ҳозир шолизорга айланган кенг майдоннинг айрим жойлари қум уюмларидан иборат эди. Боз устига, айрим жойларда сизот сувлардан пайдо бўлган ўнлаб катта-кичик кўл бўларди. Шу боис, иш бошлаганимизда кўпчилик истеҳзо билан қараган эди. Шунда бир жиҳат менга овунч бўларди. Яъни тўқайзор ва кўл сабаб унга яқин жойлашган қишлоғимизга ҳашаротлар кўп зарар етказарди. Томорқага экилган экин ҳосилини йўққа чиқарарди. Бундан аҳолининг юраги безилларди, аммо ечими ҳақида ҳеч ким ўйламасди. Ерни ўзлаштирсак, ҳеч бўлмаганда зарарли ҳашаротлардан қутуламиз деган таскин бор эди. Меҳнат қилдик, майдонлар очдик. Мана, ниҳоят шундай қаровсиз жойни ўзлаштириб, шу ердан 45-50 центнергача ҳосил оляпмиз.

Музработ туманидаги Фидокор маҳалласида яшайман. Аммо мени ахтариб келадиганларга даламиз манзилини айтаман. Негаки, тўрт фаслда ҳам кенг пахтазор, ғаллазор ва шовиллаган шолизорлар оралаб меҳнат қиламан. Аслида, қарийб ярим асрдан буён шоличилик билан шуғулланаман. Илгари бировнинг қўлида шоликор сифатида кичик майдонларда ишлардик. Энди ўзимиз гуруч горижга экспорт қилаётган йирик тадбиркорга айландик.

Етиштирган ҳосилимиз ўзимизда ҳам, қўшни давлатларда ҳам харидоргир бўлиб боряпти. Муҳими, бозор қидирмаймиз. Ҳосилни дала ёки омборимиздан юклаб олиб кетишади. Ҳар йили 200 гектар ерга ғалла экамиз. Унинг фойдаси 300-400 миллион сўмни ташкил этади. Изидан шоли экамиз. Ундан оладиган даромадимиз эса анча яхши. Бир неча йиллардан буён 1 миллиард сўмга яқин фойда кўряпмиз. Яхши даромад олиш учун ердан меҳрни аямаслик керак. Шоликорлик оз меҳнат орқали катта даромад кўрадиган иш эмас. Унинг ҳам ўзига яраша қийинчилиги, нозик жиҳатлари бор. Масалан, бугланишни назорат қилиш, сув ҳароратини 60-65 даражада сақлаш керак. Сурхондарёнинг қумлоқ ерида буни уддалаш осон эмас. Бундан ташқари, шоли озуқасига, ҳашаротга чидамли эканига эътибор бериш зарур. Тиззагача сув кечиб, шолини бегона ўтдан тозалаш машаққати ҳам бор.

Аввал фермерлар ўз даромадини, камомадини қандай ёпишни ўйларди. Яратилган имкониятлар сабаб ҳозир фермерлар ишини кенгайтириш, янги иш ўринлари яратиш ҳақида қайғурмоқда. Ҳозир фермер хўжалигимиз орқали 20 дан ортиқ кишини иш билан таъминлаганмиз. Яратилган шароитларга “лаббай”, дея жавоб бериш учун меҳнат қиляпмиз. Жорий йил ғалла режасини туманда биринчи бўлиб бажардим. Шоличиликдан юқори ҳосил кўтардик. Шу кунларда чорвачиликни ҳам йўлга қўймоқчимиз. Мўғулистондан чорва моллари олиб келиб, бу фаолиятни ҳам бошлаш арафасидаман.

2024 йил 15 августда Президентимизнинг “Шоли етиштирувчилар фаолиятини қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. 2024 йил 1 сентябрдан фермер, деҳқон хўжаликлари ва бошқа маҳсулот етиштирувчиларга шоли етиштириш ва харид қилиш харажатларини молиялаштириш учун белгиланган шартларда имтиёзли кредитлар ажратила бошланди. 2025-2026 йилларда шоли экиш учун харид қилинган ва ишлаб чиқарилганига бир йилдан ошмаган янги уруғ сеялкалари ҳамда кўчатлаб экиш ускуналари қийматининг 20 фоизи субсидия орқали қоплаб бериладиган бўлди. Ҳар бир соҳа ва тармоқ, йўналишлар кесимида бундай қўллаб-қувватловдан хурсандмиз. Бу қувончимизни эса ўз меҳнатимиз, юқори натижаларимиз билан изҳор этишга аҳд қилганмиз.

Сара ва чўнтакбоп, сифатли гуруч излаб келганлар: “Ишингиз беш, ош бўлсин, момо!” дейди. Тўйларга борганимда “Зўр ош бўлибди. Ойбаҳор момонинг гуручидан-да!” дейишса, кўнглим тоғдек кўтарилиб, чарчоғим чиқади. Шундай пайтларда ўзимча: “Кўпнинг оши — кўл, ознинг оши — чўл бўлади”, дейман. Кўл деганда сув, ҳаёт тушунилади.

Юртимиздаги имкониятлар, қўлловлар сабаб ишимиз юришиб кетди. Шу имконият, эътибор сабаб фахр билан янги Ўзбекистонни яратиш йўлида бирлашдик. Кўпнинг оши — хирмонларимиз баракаси шундан!



Илгари бирор талаба тегишли жойларга бориб, “Картошка пўчоғи устида тадқиқот ўтказяпман. Ундан органик тоза маҳсулот олиш мумкин” деса, устидан куладиганлар, “Ўқишингни эпласанг-чи”, дейдиганлар бўларди. Бу билан фарзандимизнинг ич-ичидан жўшиб келган ғоясига қизиқиб ҳам кўрмай, яратувчанлик қобилиятини юзага чиқаришга имкон бермай, умидини сўндирар эдик. Кўплаб ўрта авлод вакиллари оиладаги бундай муносабатни афсус билан эслаб, агар ўзига қўйиб берилганида, бугун ҳаммаси бошқача бўлиши мумкинлигини айтиб қолади.



ЭНДИ КАРТОШКАНИНГ ПЎЧОҒИ ҲАМ ПУЛЛАНАДИ

Бугуннинг ёшларидан айнан ташаббускорлик, янги ғоялар, ихтиролар кутиляпти. Оилада ҳам тўсқинлик йўқ. Қобилиятли болани ота-онаси руҳлантирса, қолганини давлатнинг ўзи қўллаб юборяпти. Зеро, давлат фарзандини тушунган ота сингари эзгу мақсади йўлида салгина интилган ёшларни ҳам яхшигина қўллаяпти. Акс ҳолда, талаба бўлатуриб, катта бир оиланинг масъулиятини зиммасига олган Даврон Положонов шаҳардан уй олиш ҳақида ўйлаб ҳам кўрмасди. Ҳам ота, ҳам она бўлиб уни улғайтирган, бошини икки қилган онаизор ёш оила билан ижарама-ижара юриб чарчаганида “Илоҳим, боламнинг ишлари юришсин, шу ерлардан бошпанали бўлсин”, деб дуо қиларди.

Даврон жорий йил августда бўлиб ўтган “Келажак муҳандислари” кўрик-танловида ўзининг стартапи билан фахрли ўринни эгаллаб, талаба учун айтишга арзирли пул мукофотига эришди. Албатта, рағбат инсонга куч беради, янги ғоялар сари етаклайди. У айни пайтда картошка пўчоғидан экологик пакет тайёрлаш устида ишлаяпти.

— Бир хитойлик олимнинг маниока ўсимлиги ёрдамида биопакет олгани мени шу ғояга илҳомлантирди, — дейди Даврон Положонов. — Ўша ўсимликни ўрганиб билдимки, таркибида крахмал кўп бўлгани учун лойиҳада фойдаланиш учун қўл келган. Ўзбекистондаги қайси маҳсулот крахмалга бой бўлиши мумкин? Албатта, картошка. Унинг ўзи эмас, чиқиндига айланаётган пўчоғи хомашё ўрнида ишлатилади. Масалан, чипс маҳсулотларини ишлаб чиқарадиган корхоналар учун картошка пўчоғи шунчаки чиқинди. Биз уларни сотиб олиб, биопакет тайёрламоқчимиз.

БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда ҳар йили қарийб 370 миллион тонна картошка етиштирилади. У 1 миллиарддан ортиқ инсоннинг кундалик озиқ-овқат таъминотида муҳим ўрин тутади. Бироқ унинг пўчоғи чиқиндига айланади. Аслида, пўчоқ таркибида ҳам фойдали хомашё — крахмал мавжуд. Шу маънода, “InnoLab” стартап акселерация дастури иштирокчиси Даврон Положоновнинг ишланмаси катта аҳамиятга эга. Ваҳоланки, бугун жаҳон олимлари ўсимлик ва озиқ-овқат қолдиқларидан янги маҳсулотлар тайёрлаш устида изланишлар ўтказяпти. Бу нафақат чиқиндини камайтириш, балки ресурслардан самарали фойдаланишга ҳам хизмат қилади. Картошка пўчоғи билан боғлиқ лойиҳанинг аҳамияти ҳам шунда. У озиқ-овқат чиқиндиларидан қайта фойдаланиш ва анъанавий пластик пакетларга муқобил маҳсулот яратиш имкониятини ўрганади. Зеро, картошка пўчоғидан биоматериаллар ва қадоқлаш воситалари тайёрлаш имконияти илмий тадқиқотларда ҳам ўрганилмоқда.

Ёш ихтирочининг айтишича, экологик пакет олиш учун, биринчи навбатда, пўчоқни майдалаб, унга сув қўшган ҳолда крахмал ажратиб олинади. Қўшимча моддалар қўшилиб, қуюқлашгунча 80-90 даража атрофида қиздирилади. Бу жараёнда шилимшиқ модда ҳосил бўлади. Ўша модда ёйилиб қуритилса, биопакетга айланади. Жараён 10 кундан 15 кунгача вақт талаб қилади.

Аслида, бундан кўп вақт кетса ҳам экологик тоза маҳсулотга нима етсин. Ўша тез муддатда тайёр бўладиган пластик пакетлар 500 йилгача чиримаслиги айтилади. Чунончи, бундай пакетлар полимердан ишланади. Биопакет эса крахмалдан бўлгани учун сув билан тез реакцияга киришиб кетади. Шунинг учун тез чириш хусусиятига эга. Яъни чириш муддати 50 кундан 70 кунгача боради. Лойиҳа ташкилотчиларининг айтишича, чириш жараёни бундан ҳам тезлашиши мумкин. Бунга эса бемалол экологик муаммоларга ечим сифатида қараса бўлади.

Рақобатчилар фаолияти ўрганиладиган бўлса, Ўзбекистонда иссиқлик орқали титиладиган пакет ишлаб чиқарилган. Даврон Положонов таклиф қилаётган пакет эса намликдан парчаланади. Ундан бемалол бозорлар, супермаркетлар ва бошқа корхоналарда фойдаланиш мумкин. Қолаверса, янги маҳсулот биополимер пакетларга нисбатан анча арзон бўлади. Чунки биопластик ва биополимер пакетлар учун хомашё сотиб олинади. Картошка пўчоғи эса чиқинди бўлгани учун пластик маҳсулотдан бир неча баробар арзон. Пакет 3 килограммдан 5 килограммгача юкни кўтара олади.

— 100 грамм крахмал ва 100 грамм маҳсулотимиздан 1 квадрат метр атрофида пакет тайёрласа бўлади. Чўзиш орқали уни янада катталаштириш мумкин, — дейди суҳбатдошимиз.

Маҳсулот жараёнлардан муваффақиятли ўтса, келаси йилдан патентлаштириш кўзда тутиляпти. Ҳозирча маҳсулотга қандолат дўконларидан талаб бўляпти. Ўйлаймизки, маҳаллий ва экологик тоза маҳсулот яқин келажакда ўзининг ҳар томонлама қулай эканини амалда кўрсата олади.

Муножат МЎМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири





Суҳбат



ТЕХНОЛОГИК ТАРАҚҚИЁТ ДАВРИДА ЎЗГАРАЁТГАН ТАБИАТ ҚОНУНИЯТЛАРИ ВА ИНСОН МАСЪУЛИЯТИ

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти бош муҳаррири Салим ДОНИЁРОВнинг Ўзбекистон Фанлар академияси Ботаника институти директори, биология фанлари доктори, академик Комилжон ТОЖИБОЕВ билан суҳбати

Бошланиши 1-бетда

— Ботаника ва биологияни кўпинча табиатни ўрганувчи фанлар сифатида тасаввур қиламиз. Ваҳоланки, бу соҳалардаги тадқиқотлар озиқ-овқат хавфсизлиги, иқлим ўзгаришига мослашиш, умуман, инсониятнинг келажаги билан бевосита боғлиқ. Сизнингча, бугун ўсимликлар дунёсини ўрганиш ва биологик хилма-хилликни сақлашнинг аҳамиятини жамият етарлича англаяптими?

— Ўсимликлар хилма-хиллигини ўрганишни инсониятнинг эртанги кунини таъминлайдиган энг муҳим илмий йўналишлардан бири деб биламан. Тўғри айтдингиз: бугунги озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги тараққиёти ва келажакдаги иқлим шароитларига мослашиш имкониятларимиз кўп жиҳатдан табиатда сақланиб қолган биологик ресурсларга боғлиқ. Масалан, қишлоқ хўжалигидаги янги навларни олайлик. Селекционерлар олдида ҳосилдорликни ошириш билан бирга юқори ҳарорат, сув танқислиги, тупроқ шўрланиши ва турли касалликларга чидамли навлар яратиш вазифаси турибди. Хўш, бундай хусусиятларни қаердан оламиз? Уларнинг муҳим манбаларидан бири маданий ўсимликларнинг ёввойи аждодлари ва яқин қариндошларидир.

Гап шундаки, ёввойи ўсимликлар узоқ эволюцион жараёнлар давомида турли табиий шароитларга мослашган. Уларнинг ирсий хусусиятларида маданий навларда етишмайдиган айрим белгилар сақланган бўлади. Олимлар ана шу хусусиятларни ўрганиб, селекция жараёнида фойдаланиш имкониятларини аниқлайди.

Бунинг амалий натижалари ҳам бор. Масалан, буғдойнинг ёввойи қариндошларига хос ирсий ресурслардан касалликларга чидамлиликни ошириш ва ҳосилдорлик хусусиятларини яхшилаш бўйича селекция ишларида фойдаланилган. Демак, бугун табиатда сақланаётган бирор ўсимликнинг ирсий хусусияти эртага деҳқончилик учун муҳим аҳамият касб этиши мумкин.

Табиатда тирик организмлар бир-биридан ажралган ҳолда яшамайди. Масалан, ўсимликларнинг кўпайишида чанглатувчи ҳашаротларнинг ўрнини олайлик. БМТнинг Озиқ-овқат ва қишлоқ хўжалиги ташкилоти маълумотларига кўра, дунёда етиштириладиган озиқ-овқат экинлари турларининг тахминан 75 фоизи ҳашаротлар ва бошқа жониворлар орқали чанганишга у ёки бу даражада боғлиқ. Чанглатувчиларга боғлиқ экинлар жаҳон қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмининг тахминан 35 фоизини ташкил этади.

Бу рақамлар нимани кўрсатади? Биз, масалан, мевали дарахтларни парваришлаш, суғориш, ҳосилдорлигини ошириш ҳақида ўйлаймиз. Лекин шу дарахтларнинг гулини чанглатадиган ҳашаротлар, уларнинг яшаш муҳити ҳақида ҳам ўйлашимиз керак. Чунки чанглатувчиларнинг камайиши айрим экинларнинг ҳосили ва маҳсулот сифатига бевосита таъсир кўрсатади.

Худди шундай: тупроқдаги микроорганизмлар ҳам ўсимликлар ҳаётида муҳим вазифаларни бажаради. Улар органик моддаларнинг парчаланиши, озуқа элементларининг айланиши ва тупроқ унумдорлигини таъминлашда иштирок этади. Табиий экотизимлардаги бундай алоқаларнинг бузилиши қишлоқ хўжалигига, умуман, цивилизацияга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин.

Шунинг учун биологик хилма-хилликнинг камайишини фақат муайян ўсимлик ёки ҳайвон турининг йўқолиши билан баҳолаш тўғри бўлмайди. Биз ўша турнинг бошқа организмлар билан боғлиқ вазифаларини ҳам ҳисобга олишимиз керак. Айрим турларнинг камайиши чангланиш, тупроқ унумдорлиги, табиий зараркунанда назорати каби жараёнларга таъсир кўрсатади.

Менимча, бугун жамиятимизда айнан шу боғлиқликни чуқурроқ англашга эҳтиёж бор. Чунки иқлим ўзгариши ва қурғоқчиликнинг кучайиши шароитида табиий экотизимларнинг барқарорлиги янада муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, яйловлар ва ўрмонлардаги ўсимлик қопламининг сақланиши, табиий хилма-хилликнинг камаймаслиги қишлоқ хўжалиги учун ҳам катта аҳамиятга эга.



— Бугун биз йирик иншоотлар қуряпмиз, дарёлар ўзанини ўзгартиряпмиз, табиий ресурслардан фойдаланишнинг янги усулларини ўзлаштиряпмиз. Бироқ табиатга таъсир кўрсата олиш унинг барча қонуниятларини англаб етганимизни билдирмайди. Сизнингча, инсоният бу фарқни етарлича ҳис қиляптими? Қабул қилинаётган қарорларда табиатнинг имкониятлари ва чекловлари қанчалик ҳисобга олиняпти?

— Бу фарқ англаняпти, албатта. Лекин уни амалиётда, айниқса, муҳим қарорларни қабул қилишда етарлича ҳисобга оляпмиз деб айтиш қийин. Бугун инсоннинг техник имкониятлари ниҳоятда кенгайди. Биз табиий жараёнларга аралашамиз, уларнинг йўналишини муайян даражада ўзгартира оламиз. Аммо бу аралашув қандай экологик оқибатларга олиб келишини ҳамиша ҳам олдиндан тўлиқ билмаймиз. Табиатдаги жараёнлар бир-бири билан шунчалик чамбарчас боғланганки, муайян ҳудуддаги ўзгаришнинг таъсири бошқа жойда, ҳатто анча вақт ўтгандан кейин ҳам намоён бўлади.

Албатта, дунёда бу масалага жиддий ёндашаётган мамлакатлар бор. Масалан, айрим Скандинавия давлатларида табиий муҳитга таъсир кўрсатиши мумкин бўлган қарорларнинг биологик ва экологик асосларига катта эътибор қаратилади. Яъни муайян лойиҳанинг иқтисодий самараси билан бирга табиатга таъсири ҳам илмий жиҳатдан баҳоланади. Бу жуда муҳим ёндашув.

Биологик хилма-хиллик ва экотизим хизматлари бўйича ҳукуматлараро илмий-сиёсий платформанинг 2019 йилда эълон қилган маълумотларига кўра, дунёда қарийб бир миллион ўсимлик ва ҳайвон тури йўқолиб кетиш хавфи остида. Бир миллион тур! Бу рақамнинг ўзиёқ инсониятнинг табиатга таъсири қанчалик жиддий тус олганини кўрсатади.

Айрим экотизимларда аллақачон қайтариб бўлмайдиган ўзгаришлар юз беряпти. Бунга иқлим ўзгариши ҳам, инсоннинг табиий ресурслардан фойдаланиш жараёнида кўрсатаётган босими ҳам сабаб бўлмоқда. Энг ёмони, баъзи йўқотишларни кейинчалик катта маблағ сарфлаб ҳам тиклай олмаслигимиз мумкин.

Шунинг учун ҳар қандай йирик лойиҳани амалга оширишдан олдин унинг табиий муҳитга таъсирини чуқур ўрганиш зарур. Бу жараёнда биологлар, экологлар ва бошқа соҳа олимларининг хулосаларига таяниш керак. Қарор қабул қилинганидан кейин салбий оқибатларини бартараф этишга уринишдан кўра, ўша оқибатларни олдиндан баҳолаш анча самарали.

— Ўзбекистон ўсимликлар дунёси бойлиги ва хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Табиийки, бу бойлик бир неча юз йилда шаклланиб қолмаган. Унинг ортида мураккаб геологик, иқлимий ва эволюцион жараёнлар турибди. Сизнингча, мамлакатимиз флорасини ўрганиш орқали табиатимизнинг ҳали тўлиқ англанмаган қандай сирларини очиш мумкин? Бу борада замонавий илмий тадқиқотлар бизга қандай имкониятлар беряпти?

— Ўзбекистон флорасини мамлакатимизнинг табиий тарихини сақлаб турган тирик архив деб атаса бўлади. Чунки бугун қайси ҳудудда қандай ўсимликлар ўсиши, уларнинг бир-бири билан қариндошлиги, тарқалиш хусусиятларини ўрганиш орқали ўтмишда кечган жуда кўп жараёнлар ҳақида хулоса чиқариш мумкин.

Ҳозир бу йўналишдаги тадқиқот имкониятлари анча кенгайди. Илгари олимларимиз дала кузатувлари ўтказиб, ўсимлик намуналарини тўплар, уларни гербарийларда сақлар, тарқалиш ҳудудларини хариталарда белгилаб борарди. Бугун эса ана шу маълумотларни рақамлаштириш, ҳар бир ўсимлик намунаси топилган жойни аниқ географик координаталар билан боғлаш имкониятига эгамиз. Илмда бу жараён геобоғлаш деб аталади. Бунинг аҳамияти нимада? Бир қарашда оддий маълумотларни электрон шаклга ўтказишдек туюлиши мумкин. Аслида эса биз шу орқали бутунлай янги таҳлил имкониятларига эга бўляпмиз.

Масалан, катта ҳажмдаги геобоғланган маълумотларни таҳлил қилиш орқали мамлакатимизнинг қайси ҳудудида ўсимлик турлари кўпроқ жамланган, қайси жойлар етарлича ўрганилган, қаерларда эса ҳали илмий маълумотлар камлигини аниқ кўришимиз мумкин. Бу кейинги тадқиқотларни режалаштиришда ҳам жуда муҳим.

Энди тасаввур қилинг: шу маълумотларга замонавий ДНК таҳлиллари натижаларини ҳам қўшдик. Ўсимликларнинг эволюцион шажараси, яъни турлар ўртасидаги қариндошлик муносабатларини ўргандик. Шунда янада қизиқ манзара намоён бўлади. Қайси ҳудудларда қадимий эволюцион тармоқлар сақланиб қолган, қаерларда нисбатан ёш турлар шаклланган, айрим ўсимликлар қандай қилиб бугунги тарқалиш ҳудудига етиб келган — шуларга илмий жавоб топа оламиз. Бундай маълумотларни оддий ўсимликлар рўйхатидан ёки тарқалиш харитасидан билиб бўлмайди. Бунинг учун турларнинг эволюцион тарихи ва география тарқалишини бирга таҳлил қилиш зарур. Айрим жойларда турлар сони нисбатан кам бўлиши мумкин, лекин ўша ҳудудда миллионлаб йиллик ноёб эволюцион тарихни сақлаб қолган ўсимликлар яшайди. Бундай ҳудудларни аниқлаш ва муҳофаза қилиш ҳам жуда муҳим.

Шу маънода, биз бугун учта асосий саволга жавоб излаяпмиз: ўсимлик турлари қаерларда тарқалган, улар ўзаро қандай қариндош ва мамлакатимизнинг ҳозирги флораси қандай шаклланган? Замонавий тадқиқот усуллари ана шу саволларга тобора аниқ жавоб бериш имконини яратмоқда. Энг муҳими, олинган илмий натижалар табиий бойликларимизни асраш бўйича қарорларни ҳам пухта асослашга хизмат қилади.

— Глобал иқлим ўзгариши, ҳаво ҳароратининг кўтарилиши ва сув танқислиги Марказий Осиё табиатига ҳам жиддий таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, бундай шароитда ўсимликлар дунёсида юз бераётган ўзгаришлар хавотирли. Хўш, бугун ботаника ва биология фанлари олдида қандай аниқ муаммолар турибди? Илмий тадқиқотларни қайси йўналишларга қаратиш зарур?

— Табиатдаги ўзгаришлар суръати тирик организмларнинг уларга мослашиш имкониятларидан илгарилаб кетяпти. БМТнинг Атроф-муҳит бўйича дастури 2025 йилда Ўзбекистоннинг атроф-муҳит ўзгаришлари атласини эълон қилди. Унда келтирилган маълумотларга кўра, кейинги олтмиш йилда мамлакатимизда ўртача йиллик ҳарорат 1,6 даража кўтарилган. Оролбўйи минтақасида эса бу кўрсаткич 1,8-2,5 даражага етган. Эътибор беринг: гап иқлимнинг ўртача кўрсаткичлари ҳақида кетяпти. Демак, айрим йиллар ва мавсумларда табиий муҳит бундан ҳам кескин ўзгаришларга дуч келиши мумкин.

Ўсимликлар учун бунинг оқибати қандай? Ҳарорат кўтарилгани сари тупроқдан буғланиш кучаяди, ўсимликларнинг сувга эҳтиёжи ва намликдан фойдалана олиш шароити ўзгаради. Айниқса, ёғингарчилик кам бўлган чўл ва яримчўл минтақаларида бу муҳим. Муайян турнинг ўсиши, гуллаши, уруғ ҳосил қилиши учун қулай давр қисқаради. Бу эса унинг табиий кўпайишига таъсир кўрсатади.

Юқоридаги атласда Ўзбекистон яйловларининг 60 фоизида маҳсулдорлик пасайиши қайд этилган. Албатта, бу ҳолатни фақат иқлим ўзгариши билан изоҳлаш тўғри бўлмайди. Чорва молларини меъёридан ортиқ боқиш, ердан фойдаланиш тартиби, ўсимлик қопламининг бузилиши ҳам катта таъсир кўрсатади. Шунинг учун биз яйловларни ўрганганда қайси ўсимликлар камайгани, уларнинг ўрнини қандай турлар эгаллаётгани, тупроқ ва намлик шароити қай даражада ўзгарганини биргаликда таҳлил қилишимиз керак.

Яна бир жиддий масала — тарқалиш ҳудуди жуда чекланган ўсимликларнинг тақдири. Масалан, Қизилқумдаги Томдитов тоғларида учрайдиган Astragalus centralis деган ўсимлик тури бор. У Ўзбекистонга хос эндем тур. Илмий тадқиқотларга кўра, ҳозир унинг фақат битта табиий популяцияси маълум. Ўсимлик сони ниҳоятда кам. Унинг яшаш муҳитига оҳактош қазиб олиш, чорва боқиш, иқлим ўзгариши ва экстремал об-ҳаво ҳодисалари таъсир кўрсатмоқда.

Энди ўйлаб кўринг: бундай турни қаердан қайта топамиз? Агар у табиатда бутунлай йўқолса, дунёнинг бошқа ҳудудидан олиб келиб, ўрнини тўлдириш имконияти йўқ. Демак, бу ерда фақат ўсимликнинг тарқалиш харитасини тузиш билан чекланиб бўлмайди. Унинг табиий кўпайиши, популяция ҳолати, уруғидан кўпайтириш имкониятлари ва яшаш муҳитини муҳофаза қилиш бўйича алоҳида тадқиқотлар зарур.

Тоғ ўсимликлари билан боғлиқ яна бир мураккаблик мавжуд. Иқлим исиши билан айрим турларнинг яшаши учун қулай шароит баландроқ ҳудудларга силжиши мумкин. Лекин тоғнинг юқори қисмида ўсадиган турлар учун бундай имконият чекланган. Муайян баландликдан кейин улар кўтариладиган бошқа табиий муҳит қолмайди. Бу, айниқса, фақат муайян тоғ тизимида учрайдиган эндем ўсимликлар учун жиддий хавф. Халқаро иқлим тадқиқотларида ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Шу билан бирга, биологик ресурсларни сақлашнинг икки муҳим йўли бор. Биринчиси — ўсимликларни ўзининг табиий яшаш муҳитида муҳофаза қилиш. Иккинчиси — уларнинг уруғлари ва бошқа ирсий материалларини махсус коллекциялар, генбанкларда сақлаш. Бу усуллар бир-бирини тўлдиради. Чунки ўсимликнинг уруғини сақлаб қолишимиз мумкин, бироқ унинг табиатдаги популяцияси йўқолса, ўша турнинг табиий шароитда давом этадиган эволюцион ва мослашув жараёнлари ҳам узилади.

Буларнинг барчаси озиқ-овқат хавфсизлиги учун ҳам аҳамиятли. Қишлоқ хўжалиги экинларининг ёввойи қариндошларида иссиқлик, қурғоқчилик ва касалликларга чидамлилик билан боғлиқ ирсий хусусиятлар бўлиши мумкин. Уларни сақлаш ва ўрганиш селекционерларга келажакда янги навлар яратиш учун қўшимча имконият беради.

— Мамлакатимизда ноёб ва йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликларни муҳофаза қилишда “Қизил китоб” алоҳида аҳамиятга эга. Унинг кадастрини юритиш ҳам институтга юклатилган. Айтинг-чи, бугун Ўзбекистонда йўқолиб кетиш хавфи остида турган ўсимликларнинг ҳолати қандай? Уларни асраб қола олмасак, қандай оқибатларга дуч келамиз?

— Бу саволга ҳам мамнуният, ҳам катта масъулият билан жавоб бераман. Чунки яқинда Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоб”ининг олтинчи нашрини тайёрлашга қаратилган илмий тадқиқотларни якунладик. Бу жараёнда илгари қилинган ишлардан фарқли равишда, ўсимлик турларининг табиатдаги ҳақиқий ҳолатини комплекс баҳолашга алоҳида эътибор қаратилди.

Биласизми, мамлакатимизда “Қизил китоб”нинг ўсимликларга бағишланган биринчи нашри 1984 йилда чоп этилган. Орадан қирқ йилдан ортиқ вақт ўтди. Шу даврда табиий муҳитда ҳам, ўсимликлар дунёсини ўрганиш имкониятларида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Энг муҳими, бугун бизда турларнинг йўқолиб кетиш хавфини халқаро илмий мезонлар асосида баҳолаш имконияти мавжуд.

Олтинчи нашрни тайёрлаш доирасида илк бор ўсимликлар популяциясининг ҳолатини комплекс ўрганишга қаратилган махсус тадқиқотлар ўтказилди. Бу ишлар Экология ва иқлим ўзгариши миллий қўмитасининг мақсадли молиялаштириши асосида бажарилди. Бунда Табиатни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи (IUCN)нинг амалдаги тоифа ва мезонларига таянди.

Нима учун бу муҳим? Чунки ўсимлик турини “Қизил китоб”га киритишда унинг кам учраши ҳақидаги умумий тасаввурнинг ўзи етарли бўлмайди. Унинг табиий популяцияси қандай ҳолатда, йўқолиб кетиш хавфи қай даражада эканини илмий асосда баҳолаш зарур. Ана шу ёндашув тадқиқотларимизнинг муҳим жиҳатларидан бири бўлди.

Хорижлик ҳамкорларимиз билан бирга ўтказган тадқиқотлар натижалари нуфузли Biological Conservation халқаро илмий журналида ҳам эълон қилинди. Бу, албатта, мамлакатимизда биологик хилма-хилликни ўрганишга доир изланишларнинг халқаро илмфан учун ҳам аҳамиятли эканини кўрсатади.

Энди рақамларга эътибор беринг. Янгиланган рўйхатга 317 ўсимлик тури ва кенжа тури киритилди. Уларнинг 207 таси Ўзбекистон эндемларидир. Яъни бу ўсимликларнинг табиий тарқалиш ҳудуди фақат мамлакатимиз билан чекланган.

Бир ўйлаб кўринг-а, 207 эндем тур! Бу рақамнинг ортида қанчалик катта масъулият турганини ҳис қилишимиз керак. Чунки Ўзбекистонга хос бирор эндем тур табиатдан бутунлай йўқолса, бу фақат мамлакатимиз учун йўқотиш бўлиб қолмайди. Ўша тур бутун дунё ўсимликлар оламидан ҳам йўқолади. Уни бошқа мамлакатнинг табиатидан топиш имконияти йўқ.

Айниқса, тарқалиш ҳудуди жуда тор бўлган турларнинг тақдири жиддий ташвиш уйғотади. Агар ўз вақтида самарали муҳофаза чораларини кўрмасак, уларни бутунлай бой беришимиз мумкин. Бунда биз фақат муайян ўсимлик турини йўқотмаймиз. Унинг узоқ эволюция давомида шаклланган, бошқа турларда такрорланмайдиган ирсий хусусиятлари ҳам биргаликда йўқолади.

Масаланинг халқаро масъулият билан боғлиқ жиҳати ҳам бор. Ўзбекистон Биологик хилма-хиллик тўғрисидаги конвенцияга қўшилган. Шу орқали мамлакатимиз ўз ҳудудидаги ўсимлик ва ҳайвонот турлари, табиий экотизимларни сақлаш бўйича муайян халқаро мажбуриятларни қабул қилган. Бу мажбуриятларнинг бажарилиши мамлакатимизнинг халқаро нуфузи, ишончли ҳамкор сифатидаги обрўси учун ҳам аҳамиятли.

— Илм-фан тараққиёти ҳақида гап кетганда, ёш тадқиқотчиларнинг ўрни ва салоҳиятига алоҳида эътибор қаратилади. Сизнингча, бугун ёш олимларимизнинг илмий изланишлари замонавий муаммолар билан қай даражада боғланган? Уларнинг тадқиқотлари халқаро илм-фанда рақобатлаша оладими? Бу борадаги ҳолатга қандай баҳо берасиз?

— Биласизми, бу савол кўп берилади. Лекин мен бу масалага бир оз бошқачароқ қарайман. Аввало, “ёш олимлар” деган тушунчанинг ўзига муносабатимизни қайта кўриб чиқишимиз керак деб ўйлайман.

Нега бундай деяпман? Чунки биз ҳали ҳам илм-фанни ривожлантириш, унинг самарадорлигини ошириш ҳақида гапирганда, айрим ҳолларда анча аввал шаклланган тасаввурлардан келиб чиқяпмиз. Бугун дунё илм-фани қандай ишлаяпти, илғор илмий муассасаларда тадқиқотлар қандай ташкил этиляпти, олимлардан қандай натижалар талаб қиляпти — мана шу саволларга эътибор қаратишимиз зарур. Масалан, Хитой, Жанубий Корея, Япония, АҚШ ёки Европа Иттифоқи мамлакатларидаги илғор илмий муассасалар фаолиятини олайлик. У ерларда тадқиқотларга ёш олимларнинг иши ёки катта олимларнинг иши деган мезон билан ёндашилмайди. Илмий жамоанинг ҳар бир аъзоси олдига муайян вазифа қўйилади, ундан тегишли натижа кутилади. Олимнинг ёши унинг илмий ишига қўйиладиган талабни ўзгартирмайди.

Энди шу нуқтаи назардан ўз институтимизга қарайлик. Бугун Фанлар академияси Ботаника институти илмий ходимларининг ўртача ёши 37 атрофида. Қирқ ёшгача бўлган тадқиқотчилар эса жами илмий ходимларнинг 70 фоизини ташкил этади. Демак, биз институтдаги тадқиқотларни ёш олимлар ишларидан алоҳида ажратиб баҳолайдиган бўлсак, муассасамиз фаолиятининг асосий қисмини шу тоифага киритишимизга тўғри келади.

Ботаника институти 2022 йилда илмий-тадқиқот муассасаларининг миллий рейтингида биринчи ўринни эгаллаган. Ҳозир ҳам Фанлар академияси институтлари орасида етакчилар қаторидамиз. Бу натижаларни фақат ёш тадқиқотчилар ёки катта авлод олимларининг алоҳида ютуғи сифатида кўрсатишни тўғри деб билмайман. Улар бутун илмий жамоанинг меҳнати самарасидир. Албатта, ёшларнинг ўзига хос устунликлари бор. Айниқса, янги илмий усулларни ўзлаштириш, замонавий технологияларни тадқиқотларга жорий этишда уларнинг имкониятлари катта. Буни фаолиятимизда ҳам кўряпмиз.

Масалан, менинг илмий йўналишимда флорани тўр тизими асосида хариталаш усули қўлланади. Ёш тадқиқотчиларимиз бу усулни жуда тез ўзлаштирди. Кейин унинг асосида филогенетик хилма-хиллик, филогенетик эндемизм каби замонавий илмий ёндашувларни ҳам тадқиқот амалиётига киритишди. Ана шу ёндашувлар орқали ўсимликлар дунёсини, турларнинг эволюцион қариндошлигини ва ҳудудлар бўйича тарқалиш хусусиятларини янада чуқур таҳлил қилиш имконияти кенгайди. Бундай тадқиқотлар минтақавий ва халқаро миқёсда рақобатбардош илмий натижалар олишимизга хизмат қиляпти.

Хўш, бу натижаларнинг халқаро эътирофини нимада кўриш мумкин? Одатда биз нуфузли журналларда чоп этилган мақолалар сони, уларнинг импакт-фактори каби кўрсаткичларга эътибор қаратамиз. Булар, албатта, муҳим. Лекин илмий муассасанинг халқаро майдондаги ўрнини фақат шу рақамлар билан баҳолаш етарли бўлмайди. Масалан, Тошкентда йирик халқаро анжуманларни ўтказиш бўйича таклифлар билдирилмоқда. Шулар қаторида 2026 йилги биринчи халқаро Global Tulipa Symposium, шунингдек, 2029 йилда GBIF Бошқарув кенгаши йиғилишини ўтказиш билан боғлиқ ташаббусларни айтиш мумкин. Олимларимизнинг нуфузли халқаро илмий анжуманларга таклиф этилаётгани ҳам эътиборга молик. Бу каби жараёнлар мамлакатимизда ўтказилаётган тадқиқотларга халқаро илмий ҳамжамиятнинг қизиқишини кўрсатади. Шунинг учун ёш олимларнинг ишига баҳо беришда, энг аввало, улар қандай илмий масалалар билан шуғулланаётгани, қандай усуллардан фойдаланаётгани ва эришаётган натижаларига қарашимиз керак. Уларни илмий жамоанинг тўлақонли аъзоси сифатида қабул қилиш муҳим.

Мен ёшларимизнинг имкониятларига катта ишонч билан қарайман. Бу ишонч уларнинг фақат ёшлигига асосланган йўқ. Бугунги илмий натижалари, замонавий тадқиқот усулларини ўзлаштириш суръати ва халқаро майдонга чиқаётгани бунга асос бўляпти. Энди ана шу салоҳиятдан янада унумли фойдаланишимиз керак.

— Мазмунли суҳбат учун раҳмат.



Кўнгилдаги битиклар

ЖАННАТ ОНАЛАР ОЁҒИ ОСТИДА

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news yuz.uz_news

Мулоҳаза

ЗАМОНАВИЙЛИК ВА МИЛЛИЙЛИК МУРОСАСИ

Ҳар бир миллатнинг бетакрор қиёфаси, маънавий олами ва ҳаёт фалсафаси, шубҳасиз, унинг миллий қадриятларида намоён бўлади. Халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзаро боғлаб турувчи бу бебаҳо мерос авлодларни бир-бирига пайвандловчи, тарбия мезонларини акс эттирувчи маънавий кўприкдир.

Шу кўприк бугунги шиддатли глобаллашув замонида ёшларимизни турли ёт ғоялардан асраш, онгу шуурида миллий ўзлик ва замонавий ҳаёт талабларини уйғунлаштиришда бош мезонга айланди. Чунончи, бугунги тезкор ахборот асрида ўсиб келаётган ёш авлод дунёқараши шаклланишига оила, мактаб ва маҳалла билан бирга интернет ва ижтимоий тармоқлар ҳам кучли таъсир кўрсатмоқда.

Ҳатто балоғат ёшига етмаган ўғил-қизлар олис мамлакатларда юз бераётган воқеа-ҳодисалардан сониялар ичида хабардор бўлиб, баъзан миллий менталитетимизга мутлақо ёт турли трендларни ўзлаштириш пайига тушиб қолмоқда. Асл моҳияти англанмаган, яхши ва ёмон жиҳатлари сараланмай, замонавийлик ниқоби остида қабул қилинаётган бу каби иллатлар келажак авлоднинг миллий ўзлиги ва қиёфасини йўқотиб қўйишига сабаб бўлмайдими? Шиддатли глобаллашув жараёнида аждодлардан мерос қадриятларни сақлаб, замонавий ҳаёт суръатларини ёшлар онги ва нигоҳида қандай уйғунлаштириш мумкин?

* * *

— Миллий қадриятларимизни ёшлар онги ва қалбига сингдириш, аввало, оила бағридан бошланади, — дейди “Оила ва гендер” илмий-тадқиқот институти бўлим бошлиғи, педагогика фанлари номзоди, профессор Фарида Абдураҳимова. — Бу маънавий мезонларни замон талабларига уйғунлаштириш учун эса оиладаги мулоқот муҳитини ижобий томонга ўзгартиришимиз шарт. Хўш, бунга қандай эришилади? Энг аввало, фарзандларимиз билан тиллашаётганда ёки уларга бирор вазифани топшираётганда анъанавий буйруқ ва тақиқ тизимидан самимий мулоқот усулига ўтишимиз керак. Зотан, миллийлик ва замонавийлик тушунчаларини келажак авлод қалбида мувозанатга келтириш



Гуличеҳра ДУРДИЕВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Булар ўзбекона маданиятимизнинг шунчаки ташқи кўриниши, ўзига хос қиёфаси, холос. Унинг ички мазмун-моҳияти, фалсафаси ва қамрови эса бениҳоя кенг.

> **Аслида, миллий қадриятларимиз йўқолиб кетаётгани йўқ, фақатгина уларнинг намоён бўлиш шакли ва форматлари ўзгармоқда. Ота-оналарнинг фарзандларига “Биз ёшлигимизда сабрли, ақлли эдик, ношукурлик қилмасдик”, деб тинмай дашном бериши уларни тарбиялаш ва ишонтириш учун етарли эмас.**

— Миллий ўзлигимизни ўсиб келаётган авлодга безавол етказиш усулларини тубдан янгилаш зарур, — дейди психолог Барно Каримова. — Келажагимиз ворисларига узундан узун, зерикарли насиҳатлардан кўра юқори дид билан суратга олинган қисқа метражли фильмлар, уларни қизиқтирадиган узун насиҳатлар қилишга ҳожат қолмайди. Худди шунингдек, ҳовлисидаги чоғроққина томорқада яқинлари, жигарлари билан елкадош бўлиб меҳнат қилган бола улғайгач, жисмоний меҳнатни мажбурият эмас, ҳаётнинг табиий ва гўзал бир қисми сифатида қабул қилади. Бу оила бағрида бошланиб, таълим масканлари ва жамият муҳитида изчил давом этадиган узлуксиз жараёндир.

Дунёдаги илғор давлатлар тажрибасига назар ташлайдиган бўлсак, юксак тараққиёт ҳеч қачон миллий маданиятни инкор этиш ҳисобига юз бермаганига гувоҳ бўламиз. Аксинча, кўплаб ривожланган мамлакатлар ўз она тили, тарихи, миллий дизайни, мусиқаси ва пазандалик санъатини замонавий иқтисодиётнинг ажралмас, даромад келтирувчи бир қисмига айлантира олган.

Мамлакатимизда ҳам бу борада улкан имконият ва беқиёс маданий мерос мавжуд. Миллий матоларимизни замонавий кийимлар дизайнига мослаштириш, бугуннинг ғоят долзарб масаласи бўлиб турибди. Аммо унинг моҳиятига фақатгина хавф ва хавотир нуқтаи назаридан ёндашиш бирёқлама қараш бўлади. Чунки глобаллашаётган дунё билан интеграциялашувнинг ўзи инсонни ўзлигидан айирмайди. Аксинча, ўз тарихи, тили ва маданиятини пухта билган йигит-қизлар бошқа халқларнинг илғор тажрибаларини ҳам холис ва тўғри қабул қила олади.



Бунинг учун ота-оналар фарзандлари билан доимий ва бевосита мулоқотда бўлиб, маънавий оламини мунтазам озиқлантириши лозим. Энг муҳими, катталар ўзаро муносабати ҳамда юриш-туриши билан фарзандга ҳаётий намуна бўлиши шарт. Шу билан бирга, бола билан дилдан суҳбатлашиш, шахсий фикрини тинглаш, сўнгра урф-одатларимизнинг нозик жиҳатларини, қадриятларимиз мазмун-моҳиятини тушунарли тилда англатиш зарур. Ушбу жараёнда ҳаётий мисоллар, халқ мақоллари ва донишмандлар ҳикматларидан унумли фойдаланиш кутилган натижани беради.

* * *

Миллий қадриятларимиз ҳақида гап кетганда, кўпинча кўз олдимизга миллий либосларимиз, ҳашаматли тўй-тантаналар, турли маросим ва байрамлар келади. Аммо бу ҳақда гап кетганда, биз кўпроқ ташқи кўринишга эътибор қаратамиз. Ҳолбуки, миллий қадриятларимиз ёшларнинг ички дунёсини, ҳаётий қарашларини, ўзини ва атрофдаги воқеаларни англаш тарзини белгилайди. Шу боис, миллий қадриятларимизнинг моҳиятини чуқур англаш, уларни замонавий ҳаёт билан уйғунлаштириш ҳозирги кунда ҳар бир ота-она ва мураббий олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир.

Долзарб мавзудаги подкастлар, таъсирли интервьюлар ҳамда ҳаётий ҳикоялар кўпроқ таъсир қилади. Агар виртуал маконда миллий адабиёт, мусиқа, тарих, меъморлик, фольклор ва амалий санъат йўналишларида сифатли, замонавий контент кўпайса, интернет олами миллий маданиятимизга рақиб эмас, аксинча, уни дунёга танитувчи тарғибот майдонига айланади.

Виртуал оламда ўзгани ҳақорат қилмаслик, ёлғон маълумот тарқатмаслик, бировнинг муаллифлик ҳуқуқини ўзлаштирмаслик, яъни плагиатга йўл қўймаслик ҳам бугунги куннинг юксак одоб мезонларидан. Аслида, миллий қадриятларимиз йўқолиб кетаётгани йўқ, фақатгина уларнинг намоён бўлиш шакли ва форматлари ўзгармоқда. Ота-оналарнинг фарзандларига “Биз ёшлигимизда сабрли, ақлли эдик, ношукурлик қилмасдик”, деб тинмай дашном бериши уларни тарбиялаш ва ишонтириш учун етарли эмас.

Агар фарзандлар оилада ота-онасининг қўлида мунтазам китоб кўрса, уларга китобхонликнинг аҳамияти ҳақида мунтазам равишда гапирса, ўзлари ҳам мутолаа қилишга ҳаракат қилса, бу ҳақда ортиқча сўзларга ҳожат қолмайди. Ёшларимизнинг дунё тилларини мукаммал эгаллаши, нуфузли олийгоҳларда таҳсил олиб, йирик халқаро компанияларда юқори лавозимларни эгаллаши оддий воқеликка айланди. Аммо энг муҳими, улар қайси қитъа ёки мамлакатда бўлмасин, ўз она тили, эътиқоди, тарихи ва миллий қадриятларини қалбларида соф сақлай олсин. Онгу шууримизда миллий ўзлик барқарор экан, ҳар қандай замонавийлик миллат танасига таҳдид эмас, балки унинг дунё миқёсида бўй кўрсатишига хизмат қилувчи кучга айланади. Шу билан бирга, фарзандларимиз ва набираларимизни юрт тупроғини муқаддас деб биладиган, она тилини эъзозлайдиган, ўз тарихидан фахрланадиган тоза руҳда тарбиялашимиз зарур.

Зеро, миллий қадриятлар ва замонавий ҳаёт тарзини аждодлар мероси ҳамда замонавий тафаккур билан бойитиш уларни янги давр талабларига мослаб юксалтириш демакдир.

Муҳтарама УЛУҒОВА,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган маданият ходими

Сандиққа сиғмайдиган тугун

Қудаойимларни остонада қучоқ очиб кутиб олиб, уларнинг бошидан сочқи — ширинликлар сочиш, қўлини кўксига қўйиб турган қатор мезбонлар билан кўришиб ўтган меҳмонларни елкасига сочиқ ташлаб олган чаққон, хушрўю хушмуомала жувоннинг ўнг қўлида обдастаю чапида чилопчин билан кутиб олиб, қўлларига сув қуйиб сочиқ тутиши. Қудапошшалар дастурхон тузалган уйга кириб ўтирганидан кейин эса яна бошқа бир дилбаргина аёлнинг оташкуракда исириқ тутатиб кириб, даврани айлантириб чиқиши — водий тўйларининг, нима десам экан, ташқи кўринишию ички моҳияти гўзал одатларидан.

Бу халқона анъаналар ижрочиларига мукофот ҳам бор, албатта. Яъни меҳмонлар бу удумларни бажарувчиларга совғалар беради: кимдир мато, кимдир рўмол ёки сочиқ, яна кимдир кўнглидан чиқарганича пул.

...Меҳмонга келган онаси билан яқин қариндошиникида бўладиган тўй ҳақида гаплашиб ўтирган аёл бирдан ҳушёр тортди:

— Ҳай, мен тўйга олиб борадиган латта-путтамни тайёрлаб қўймабман-ку. Юринг, сандиқ очамиз.

Она иккита ўғлини кетма-кет уйлантирган қизининг сандиғи анча бўшаб қолган деган хаёлда эди. Йўқ, чинор дарахти тахтасидан ясалган қадимий сандиқдан анча-мунча тугунлар олинди ва гилам устига қаторлаштирилди. Уларни бир-бир очиб кўраркан, уй бекаси тўй қилаётган холаваччасига кийимлик, кейин эса ўша сочқи сочувчиларга, қўлга сув қуядигану исириқ соладиганларга бериш учун матою дурра ва рўмол саралай бошлади. Шу пайт бир тугундан кўзга ташланган, пистамағиз рангли юмшоқ сўлқиллама матони кўрган онанинг ичида нимадир жизиллагандай бўлди: “Вой, ануви мато ҳалиям шу ерда экан...”.

Бир неча йил олдин худди шу чиройли, она жуда ёқтирадиган рангда бўлган айни матони қизининг ўзи сотиб олганми ёки унга кимдир совға қилганми — бунисини билмайди... Хуллас, қизининг тугунида шу матони биринчи марта кўрганида она ҳавасини яшира олмаганди. Аммо боласи буни сезмадими ёки эътибор бермадими, матони яна тугунга тугиб, сандиққа солиб қўйгач, она ўзини айблаганди: “Кап-катта хотин ёш боладек ҳар нарсага ҳавас қилаверасанми?”. Лекин анчагача ўша мато кўз олдидан кетмай юрди, бозордан олай деса, пенсияси тирикчиликнинг кундалик ташвишларига тақсимлаб бўлинган...

Бир коса иссиқ таом

Ўғли сотиб олган зотдор ғунажинларнинг кетма-кет кўзи ёриди. Бузоқлар ҳам онасига тортган: оёқлари узун-узун, пешонаси кенг, кўзлари катта-катта. Ҳамма хурсанд. Айниқса, нинага термилиб, чеварлик билан катта қилган ёлғиз ўғлининг бири икки бўлаётганидан, рўзғорига қут-барака кираётганидан кекса онанинг тилию дилидан шукрона ва дуо аримайди.

Яқиндагина кечаю кундуз бувисидан ажралмай, иссиққина бағрига биқиниб юрган, кампир эркалатиб, орзу-ҳаваслар билан чиннидек кўрпатўшакларда алла айтиб катта қилган набиралар бугун ҳунарманд бўлган. Ака-укалар энди пултопар, ануви сигирлар ҳам уларнинг даромадига келган.

Учта сигиру бузоқнинг ташвиш-ишлари ўғил учун кун бўйи тинимсиз меҳнат эди: жониворларнинг тагини тозалайди, ўт-сув беради, сомон ивитиб ем тайёрлайди, молларнинг терисини қашлайди. Ўзиям молмисан мол экан-да! Бу қаровлардан улар кун сайин ўсаётгандек, терилари қуёшда ялтиллайди. Ўғлининг кайфияти кўтаринки; она унинг ҳар сафар молхона тарафдан чаққон қадамлар билан, кулимсираб қайтаётганини кўриб, яна шивирлайди: “Аллоҳим, ўзингга шукр, беадад шукр!”.

Она фақатгина кексалик туфайли ўғлига ёрдам беролмаётганидан, оғирини енгил қилишга қурби етмаётганидан ўксинади. “Қарилик — хурсандчилик эмас”, деганлари шу бўлса керак: тунги уйқу қувват берадими, эрталаб ҳар қалай қўл-оёғида бир оз куч, кўзларида нур пайдо бўлгандек туюлади. Саксондан ўтди. Бора-бора иштаҳа ҳам йўқоларкан: онага нонуштаю тушликда бир бурда нону иккита туршакми ёки бир шингил узумми, шу кифоя. Асрга яқин умр кўрган кўзлари хиралашгандай, елкалари оғирлашгандай бўлади... Токи келин ишдан келиб қайнатган қозоннинг ярим коса иссиқ овқатини тамадди қилмагунча ётиб олади, аҳвол шу...

Тўй арафасида

Синглисиникида икки кун меҳмон бўлиб қайтган бувижон дарвозадан киргач, бирданига ўз уйини таний олмай қолди: ҳовлининг бир чеккасида жойлашган, ташқариси билан ичкарисини тўрт энлик ёғоч пўсахона ажратиб турадиган битта деразали уйининг деворлари оппоқ оқланган, ромлари эса мовий рангга янгидан бўялган эди. Ичкарига киргач, онахоннинг ҳайрати ва ҳаяжони янаям ошди: деворлар оқланган, ҳатто ўлса йитмас тақир гиламнинг ранги ҳам тиниқлашган — ювишибди-да. Эшикдан ичкарига киришдаги ярим қулоч жойга гиламча тўшаб қўйишибди. Дили ёришиб кетди.

Ҳар баҳору кузда албатта уй кўтариб, кўрпа-тўшакларини офтобга ёйган, шакаркир бўлганларининг ҳам астар-аврасини ювиб, пахтасини қайта титтириб қоплаган, уйнинг шифтини узун супургининг устига ҳўл латта бойлаб тозалаб чиққан, дераза ойналарини ҳафта-ўн кунда ярақлатиб артиб ўтирган дамларига қайтгандек бўлди. Кўзлари намланди ҳатто. Ўғли ва келинини алқади:

— Барака топинглар-эй, болаларим. Яхшиям сизлар бор экансиз. Шундоқ тўй ташвишлари ичида менинг уйимни ҳам ануви ғиштин, томи баланд уйларинг қаторига киритиб қўйибсизлар. Шу пайтгача келган-кетганлар келиннинг меҳмонхонасидан кузатиларди. Энди... Тўйчилик-да, билиб бўладими, қуда ёки улар билан келган меҳмонлардан бирортаси менинг уйимгаям кириб қолиши мумкин-да. Қандай яхши бўпти-я! Набирам тушган жойида бахтли яшасин, илойим...

Бола қалби

Иккита қизининг фарзандлари билан кетмакет кириб келиши она учун кутилмаган суюнчи бўлди. Тез-тез келаверишмаса, ўз уйларида тинч-тотув ўтиришганидан хурсанд бўлади-ю, барибир соғинади-да. Бугун ҳам жигарбандлари кўзидан ўтиб турганди, мана, бирданига уйини тўлдиришди.

Ҳол-аҳвол сўрашиб, бир оз гаплашиб ўтиришганидан кейин она аста гап солди:

— Гўшт, ёғ, масаллиқлар — ҳаммаси бор. Кун ҳам пешинга яқинлашяпти. Ўзларинг хоҳлаган бирор овқатни пиширасизларми?

Бу саволга жавобан опа-сингил бир-бирларига қаради. Орага жимлик чўкди. Она айтган гапининг бирор ноўрин ёки ноқулай жиҳати йўқлигидан уларга ҳайрон қараб турди-да, бирдан ниманидир англагандек бўлди:

— Ҳа-а... сизлар ҳам чарчагансизлар. Тушликка тайёр овқат буюрайлик бўлмаса?..

Опа-сингилнинг юзида ўзгариш бўлмади. Катта қиз бир оз тараддудлангандай ўйланиб турди-да, кейин шартта гапирди:

— Биз болаларни паркда ўйнатиб, ўша жойдаги кафеда овқатланишга ваъда бериб қўйгандик.

— Ҳа, майли, — деди она. — Лекин тушлик вақти ҳам яқинлашиб қолди-ку. Енгилроқ бўлсаям, бирор нарса пиширибми, тамадди қилиб олинглар.

— Биз у кафедан жойларни буюртма қилиб қўйгандик, ярим соатларда ўша ерда бўлишимиз керак, — деди кичкина қизи. — Юринг, она, сиз ҳам боринг...

Она эгнига қаради. Ярим соатда етиб боришлари керак бўлса, у тараддуд қилгунича, булар айтилган вақтдан кеч қолишлари мумкин. Қолаверса, сайилгоҳдаги ўйинғоҳларнинг ҳаммаси ёшларга мўлжалланган, кафесидаям кексалар борми, йўқми... таомлари ҳам қуруқ нону хуруш эмасмикан? Яна... чарчаб қолиши турган гап, буларга ортиқча ташвиш бўлиб... Хаёлидан шу гаплар ўтгач она ўзига тикилиб турган қизларига оҳиста жавоб қилди:

— Майли, сизлар болаларни айлантириб келаверинглар. Мен уйда бўламан. Қайтиб келасизларми?

— Кўрамиз, вақтга қараймиз... — ҳалигина онанинг бағрини ва уйини тўлдириб кириб келган қизлару набиралар шоду хуррам тарзда сайрга жўнаб кетди...

> **Ёзганларим шунчаки тўқима ҳикоя эмас, уларни ўйлаб топмадим; балки ҳаётда ўз кўзим билан кўрганларимдан айрим лавҳаларни шундоққина қоғозга туширдим, холос. Токи тирик эканмиз, кўз ўнгимизда, шууримизда чироқдек ёниб тургувчи мавзу-масала — онамиз олдидаги бурчимиз ҳақида ҳадиси шарифда айтилган насиҳатлардан орттириб, яна нима ҳам дейиш мумкин?**

* * *

Ёзганларим шунчаки тўқима ҳикоя эмас, уларни ўйлаб топмадим; балки ҳаётда ўз кўзим билан кўрганларимдан айрим лавҳаларни шундоққина қоғозга туширдим, холос. Токи тирик эканмиз, кўз ўнгимизда, шууримизда чироқдек ёниб тургувчи мавзу-масала — онамиз олдидаги бурчимиз ҳақида ҳадиси шарифда айтилган насиҳатлардан орттириб, яна нима ҳам дейиш мумкин?

Оналик, наздимда, мукаммал таърифдир. Унинг олдига турли аниқловчи ва изоҳловчи сўзлар қўшиш даркор эмас. Ҳадис ҳикмати оналик шарафи насиб этган барча мунисаларга бирдек тааллуқлидир.

Фарзандини тўққиз ой вужудида кўтариб юриб, бу даврнинг оғирликлари ва қийинчиликларини сабру бардош билан енгган оналарга — энг биринчи яхшилик! Мисоли икки олам ўртасида туриб, жонидан юлиниб тушгувчи гўдагини дунёга келтирган оналарга — иккинчи яхшилик! Тўққиз ой давомида еган-ичганларини юраги остида урган митти юракча билан бўлишган, туғуруқ жараёнларида қон йўқотиш ва жисмоний дарду оғриқлардан борлиғи ҳилвираб қолганига қарамай, еган таомини оқ сут қилиб, яна чақалоғининг оғзига тутган оналарга — учинчи яхшилик!

ГАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти” ДМ

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “ШАРҚ” НМАК масъул.
Босмахона телефони: (71) 233-11-07.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** Г-1146.
29189 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

Навбатчи муҳаррир: Санжар Эшмуродов
Мусаҳҳиҳ: Акбар Қаршиев
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100060, Тошкент шаҳри,
Шаҳрисабз кўчаси, 85-уй

Қабулхона: (71) 233-56-33
Эълонлар бўлими: (71) 233-70-98
E-mail: info@yuz.uz
Веб-сайт: www.yuz.uz: (71) 233-47-05
Девонхона ва ишонч телефони: (71) 233-56-60
“ШАРҚ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

ЎзА якуни — 23:41 Топширилди — 01:40